



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2011-yil 3-noyabr № 132-133 (3014) payshanba

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишда салмоқли ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) 2011 йилнинг 20 декабрида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонларининг белгиланган тартибда тайёрлишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши қотиби М.Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 31 октябр

Диккат, танлов!

Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши Федерация
эмблемаси ва байроғида

«Инсонга наф келтириш — олий бахт»

шиорида илгари сурилган гоёни янада
яққол тасвирлаш мақсадида танлов
эълон қилади.

Мазкур эмблема ва байроқ намуналарида Федерациянинг асосий мақсади, яъни касба уюшмаси аъзоси бўлган турли соҳаларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ва ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаат ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш гоёларини акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Танлов иштирокчилари эмблема ва байроқ тасвири билан бирга унинг тавсифини

2011 йилнинг 1 декабр кунига қадар

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратининг Таҳрир кенгашига чизма ва электрон вариантда тақдим этишлари лозим.

Танлов ғолиби Ўзбекистон Республикасида белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланади.

Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
Мурожаат учун телефон: (8-371) 252-21-24

Мамбуот анжумани



Янги ланиш жараёни ташаббускорликни тақозо этади

Дарҳақиқат, ташаббус мақсад сари ҳаракатнинг дебочаси ҳисобланади. Бу эса интилиш, изланишга етаклайди ва амалий натижалар кўлами кенгайишини таъминлайди. Кун кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган «Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси» мавзусидаги матбуот анжуманида ҳам бу яна бир бор ўз исботини топди. Унда Федерация кенгаши раиси Танзила Нарбаева, ЎзКУФК бўлим мудирлари ва бошқа масъул ходимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Анжуманини Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов олиб борди.

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда инсон манфаати устувор саналади. Бу борада касба уюшма ташкилотларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Айниқса, кейинги пайтларда бу фаоллик янада ошганлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Республика Савдо-санот палатаси томонидан имзоланган Бош келишув ушбу жараёни янги босқичга олиб чиқди.

Федерация кенгаши раиси ўтган тўққиз ой мобайнида касба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишларга атрофлича тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Барча соҳалар каби касба уюшма ташкилотларида ҳам янги ланиш жараёни изчил давом этмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан тақлиф этилган Концепцияда акс этган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини кенгайтириш, жамоат назоратини кучайтиришга қаратилган кенг қамровли ислохотларни қўллаб-қувватлашга, шунингдек, ЎзКУФ V Қурултойи қарорлари, Бош келишувда белгиланган вазифалар касба уюшмалари фаолиятида усту-

ворлик касб этмоқда. Энг муҳими, инсон манфаатларига асосий омил сифатида қаралиб, бу борада жиддий фаолият олиб борилмоқда. Ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор тобора кучайтирилмоқда. Шунингдек, энг йирик жамоат ташкилотлари меҳнат аҳли, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун етарлича шароит яратиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқини ҳимоялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш касба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлмоқда.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ФАОЛ ИШТИРОК

Бозор иқтисодиёти шароитида касба уюшмаларининг ҳимоя функцияси — бу бандлик, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя каби йўналишлар бўлиб, соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишлар, касбий

тайёргарлик, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш кенг кўламли фаолиятни мазмунан тўлдирмоқда.

Маълумки, ҳимоя функцияси ижтимоий шериклик механизмларидан фойдаланиш орқалигина ҳаётга татбиқ этилади. Кези келганда, юртимизда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни амалга ошириш учун ҳуқуқий негиз яратилгани айни муддао бўлаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, Концепциядаги «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ташаббуси касба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклади.

Эътиборли жиҳати, Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда касба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этдилар.

(Давоми 4-5-бетларда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил
31 октябрдаги фармонида 1-илова

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони билан давлатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларини барпо этишда салмоқли ҳисса қўшган шахслар, юқори профессионал маҳорати, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этган, захирага бўшатишган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ёхуд ярадор бўлган ва шикастланган ҳарбий хизматчилари тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонини номидан қўшилма командири ва ундан юқори лавозимли шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.



Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома бериллади.

3. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони мукофотланганларга ҳарбийлашган тузилмалар вазирлик ва идоралари раҳбарларининг буйруғига асосан топширилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони кўракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил
31 октябрдаги фармонида
2-илова

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТАВСИФИ



«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олди томонида таралаётган қуёш нурлари фониде «Ватанга қасамёд» монументи — жанговар байроқ олдида тиз чўкиб, Ватанга содиқлик ҳақида қасамёд қилаётган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчисининг сиймоси тасвирланган бўлиб, унинг ортида, ўнг томонда, юқорирокда ўғлига ўз муқаддас бурчини адо этишига оқ фотиҳа бераётган она тимсоли акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг юбилей санасини англатувчи «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 20 YIL» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг юзасида тасвирланган монументнинг ўнг ва чап томонида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган йил ва юбилей йили 1992-2012 рақамлари акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Эсдалик нишони ҳалқача ва илгакча ёрдамида устки қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли полосалари туширилган эни 24 миллиметр ипак лента ўралган беш бурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади. Кўк, оқ ва яшил полосаларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил

полосаларнинг эни 1,5 миллиметр. Колодканинг баландлиги 48, эни 45 миллиметр. Тўғнағичга мустаҳкамланган.

Тасвирлар ва ёзувлар кабарикдир.

Эсдалик нишонининг кирралари гардиш билан ҳошияланган.

Баёнотлар билан амалий ишлар бир- бирига зид келганда

«Ховар» агентлиги 2011 йил 26 октябр куни Тожикистон Республикаси ҳукуматининг Роғун ГЭСи қурилишидаги ишларнинг боришига оид расмий баёнотини эълон қилди.

Баёнотнинг асосий маъно-мазмунини Тожикистон томони Роғун ГЭСи лойиҳасини халқаро экспертизадан ўтказиш бўйича Жаҳон банки билан тузилган битимга қатъий амал қилишда давом этаётганини ва лойиҳа халқаро экспертизасининг якуний натижаларини кутмасдан Амударёнинг ирмоғи — Вахш дарёси оқимини тўсиш бўйича дастлабки босқичдаги ишларга киришмоқчи эмаслигини таъкидлашга қаратилган.

Халқаро экспертлар ишига гўёки ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаяпти, Роғун ГЭСи иншоотида амалга оширилаётган барча ишлар эса фақат таъмирлаш-тиклаш хусусиятига эга.

Келинг, аниқ фактларга мурожаат этайлик. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг мазкур баёнотида «Роғун ГЭСининг техник имкониятлари, иқтисодий самарадорлиги, экологик хавфсизлиги кўп марта текширувдан ўтказилган ва ушбу лойиҳа бирор марта ҳам салбий баҳо олмаган», деб таъкидланади. Бироқ бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Маълумки, Роғун ГЭСи қурилишига оид лойиҳа ўтган асрнинг 70-йиллари, яъни шўролар даврида тайёрланган ва ҳеч қандай экспертизадан, чунончи, ҳолис халқаро экспертизадан ўтказилмаган. Объект қурилиши 1976 йилда КПССнинг XXIV съезди директиваларига мувофиқ бошланган, қурилиш бўйича ҳеч қандай муҳокама ёки тафтиш ўтказилмаган. СССР парчаланиб кетгач, ушбу объектдаги ишлар ҳам тўхтатилган. Айнан шунинг учун ҳам Тожикистон томони объектни экспертизадан ўтказиш масаласи юзасидан ҳозирги кунга қадар ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмайди.

Роғун ГЭСи лойиҳаси билан таниш бўлганлар учун сир эмаски, баландлиги 335 метрлик улкан тўғон қурилиши учун танланган майдон ер қобиғининг сейсмотектоник ёриғида жойлашган бўлиб, мазкур ҳудудда ер қатламнинг силжиши кузатилади ҳамда ювилиб кетиш эҳтимоли кучли бўлган

қалинлиги қарийб 100 метрлик ташкил этувчи улкан туз қатлами мавжуд.

Табиийки, бундай сабаблар, бошқа кўпчилик сингари, экспертиза ўтказиётган халқаро консорциум мутахассисларида ҳам лойиҳанинг хавфсизлиги борасида жиддий шубҳа уйғотмоқда. Хусусан, тўғон барпо этилиши мўлжалланаётган жой — майдон сейсмотектоник ёриғида, туз қатлами устида жойлашганини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур ҳудуднинг мустаҳкамлиги ва ишончилигини текширмасдан туриб у ерда тўғон қуриш ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам мантиққа зиддир. Боз устига, Роғун ГЭСини барпо этиш кўзда тутилаётган зона Рихтер шкаласи бўйича 8-10 балли зилзилалар тез-тез содир бўладиган сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Экспертларнинг бундай асосли ва қонуний талаблари Тожикистон томонидан қўйилаётган турли тўсиқларга дуч келмоқда. Чунончи, Тожикистон томони экспертиза жараёнида разведка бурғилаш ишларини истисно этишга жон-жаҳди билан уринмоқда. Ўз навбатида, бу халқаро консорциум экспертлари билан Тожикистон ҳокимият органлари ўртасида жиддий келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, Тожикистон ҳукуматининг бу борада халқаро консорциум билан тўлиқ ҳамфикр эканига оид баёноти ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Тожикистон саноят ва энергетика вазири Ш.Гулнинг ушбу лойиҳанинг экологик ва ижтимоий экспертизаси натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, Тожикистон томони ўзининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича ишларни давом эттириш тўғрисидаги қарорини ўзгартирмаслиги ҳақидаги баёноти оммавий ахборот воситаларида кўп бор эълон қилинди.

Тожикистон раҳбарияти жорий йил охирига қадар тўғон қурилиши учун Вахш дарёсини тўсиш бўйича ишларни бошлашни режалаштираётгани Жаҳон банки мутахассисларига яхши маълум. Яъни, халқаро экспертиза якунла-нишини кутмасдан, ба-

ландлиги 120 метрлик оралик тўғонни қуриб битказиш ва шу тариқа халқаро ҳамжамиятни танг аҳволга солиб қўйиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСи ҳудудида ҳозирги вақтда фақат таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда, деган баёноти ҳам ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Акс ҳолда, 2010 йилда «таъмирлаш-тиклаш ишлари» деб аталган ишларга фақат давлат бюджетидан қарийб 150 миллион АҚШ доллари сарфланганини қандай изоҳлаш мумкин? Жорий йилда бундай ишлар учун бюджетдан яна 191 миллион доллар сарфлаш назарда тутилган. Ва, ниҳоят, 2012 йил учун бюджет лойиҳасида ушбу мақсадлар учун 223 миллион доллар ажратиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Роғун ГЭСи майдонида қарийб беш минг киши ишлаётгани ҳам маълум. Таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бу даражада кўп ишчи кучи талаб этилмаслигини барча жуда яхши билади.

Тожикистон ҳукуматининг баёнотида юқорида келтирилган бундай фактлар ҳақида лом-мим дейилмагани, мамлакат раҳбарларининг халқаро жамоатчиликдан бу борадаги ҳақиқий вазиятни яширишга бўлган навбатдаги қайсарона уринишидан ва юз бериши мумкин бўлган ҳалокатли техноген, экологик ва социал оқибатларга қарамасдан Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга ошириш ниятидан қайтмоқчи эмаслигидан бошқа нарса эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тожикистон раҳбариятига йўлланган мустақил халқаро экспертларнинг фикрига қулоқ тутиш ва дунё тажрибасида қурилиши аллақачон тўхтатилган бундай йирик, жаҳондаги энг баланд тўғон барпо этиш ниятидан воз кечиш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш борасида муқобил манбалар топиш, жумладан, кичик ГЭСлар қуриш хусусидаги баёнот ва даъватлар эътиборсиз қолдирилаётгани афсусланарлидир.

● ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Меҳнат муносабатлари ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур ҳужжатнинг таъсирчанлигини ошириш, улар билан корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларини тўла қамраб олиш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти ва жойларда ушбу имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда?

Мухбиримиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудирини Махмуджон Исаев билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Иқтисодий фаолиятнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифани тўлақонли бажаришда жамоа шартномаларининг ўрни ниҳоятда каттадир.

Фактларга мурожаат этадиган бўлсак, 2010 йилда касаба уюшма хизматиға олинган 110.060 та юридик шахсларнинг 99.232 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатлар орқали 4.894.511 нафар аъзоларимизнинг манфаатлари ҳимоя этилмоқда.

Айниқса, авиация, таълим ва фан, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Шунингдек, бир қатор тармоқ ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотларида ҳам муайян даражада ўсишга эришилди.

Республика бўйича барча мулкчилик шакллариға мансуб корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномаларининг ҳар бирига ўртача 62 тадан тадбир киритилганди. Уларнинг 92.6 фоизи бажарилди.

— Кейинги вақтда жамоа шартномалариға ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган тадбирлар киритилаётгани кўпчиликка маълум. Айтинг-чи, қайси жиҳатларға кўпроқ ўрин берилмоқда?

— Албатта, жамоа шартно-

Жамоа шартномаси

унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланаяпмизми?

масида меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар, ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари, иш ва дам олиш вақтлари, меҳнат таътили муддатлари, шароитларини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси масалалари ҳам албатта ўз аксини топиши лозим. Буларсиз, жамоа шартномаси ўз кучини йўқотади. Шунингдек, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт-соғломлаштириш масалалари ҳам жамоа шартномасида кўрсатилиши зарур.

Шуниси қувонарлики, жойларда жамоа шартномалари ишчи-хизматчиларнинг манфаатларини амалга оширишнинг бирдан-бир механизми эканлигини тушуниб етишди. Шу боисдан ҳам қабул қилинаётган қатор шартномаларда меҳнатқашларға берилаётган ижтимоий имтиёзлар ва қафолатлар кўлами кенгаймоқда.

Жамоа шартномалари орқали 25.996 та оилға 1.375.827 минг сўмлик моддий ёрдам

кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 1507 нафар талабаларнинг контракт пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган ёшларнинг 467 нафари фоизсиз ссудалар олишди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 4065 нафар ёш оналарға моддий ёрдам кўрсатилди.

дерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Ҳаракат дастуриға биноан ишлаб чиқилган бўлиб, жамоа-шартномавий муносабатларнинг холис мониторингини йўлга қўйиш, жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, барча поғоналарда тузилган тармоқ келишувларига мувофиқлигини таъминлаш мақ-

бепарво муносабатда бўлаётганлар ҳам йўқ эмас.

— Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим жамоа шартномаларини «хўжа кўрсин»ға тузиш ҳолатлари ҳам учраётти. Уларға меҳнат қонунчилигининг жамоа шартномасига киритилиши шарт, деб эътироф этилган баъзи моддалари киритилмаган. Шартномалар ижросини назорат этиш ишлари бўлаша тириб юборилган ҳолатлар ҳам, афсуски, бор. Жамоа шартномалари шартлари, айниқса, меҳнатга ҳақ тўлаш бандларини бажармаслик, меҳнат муҳофазасини таъминламаслик ҳолатлари ҳам ташвишлидир. Баъзи ҳолатларда ходимлар сони қисқариши ёки корхоналар тугатилиши оқибатида ишдан озод этилган ходимларға нисбатан моддий ёрдам қўлланилмаяпти. Жамоа шартномаси бажарилишини текшириб бориш, томонларнинг жавобгарлиги баъзи жойларда қониқарли аҳволда эмас. Жамоа шартномаларини меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишлари муҳокамасига киритилмасдан имзолаш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Масалан, Бухоро вилоятидаги «Фарбгазтаъминот» унитар корхонаси, Таълим ва фан ходимлари Қорақўл туман бирлашган касаба уюшма кўмитасида, Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги «Сўфиқиллоқ пахта тозалаш» корхонасида, «Сирдарё автойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти, Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси каби бир қатор ташкилотларнинг касаба уюшма кўмиталари бу борада камчиликларға йўл қўйганликлари аниқланди.

Бинобарин, касаба уюшма бошланғич ташкилотлари, туман, вилоят кенгашлари жамоа шартномаларининг сифат даражасини яхшилаш ва уни ижросини таъминлаш масаласига ўта масъулият билан ёндашишлари зарур.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

— «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ва қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби» ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Маълумки, жамоа шартномаларини тузишда ишлаб чиқариш муносабатларининг энг нозик жиҳати бўлмиш меҳнатқашлар номидан иш кўрамини ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиламиз. Шундай экан, касаба уюшма фаолларидан биринчи навбатда тузилаётган жамоа шартномаларида кенг омманинг иштирокини таъминлаш, қолаверса, унинг бандлари бажарилишини мунтазам назорат этиб бориш, мазкур ҳужжатнинг моҳиятини ҳар бир иш берувчи ва меҳнатқаш онгига еткази билиш, келишувчанликка барҳам бериб, талабчанликни ошириш тақозо этилади.

Энди экспертиза масаласига келсак, мазкур тартиб Ўзбекистон касаба уюшмалари Фе-

садида жорий этилган. Умумий қоидаға кўра жамоа шартномалари лойиҳалари экспертизаси ва қабул қилинган жамоа шартномалари юқоридаги тартибда белгиланганидек рўйхатдан ўтказилади.

Ҳар бир жамоа шартномаси лойиҳасини экспертизадан ўтказиш учун 10 кундан кўп бўлмаган муддат ажратилади. Экспертизадан ўтказишға ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа малакали мутахассислар жалб этилишлари мумкин. Жамоа шартномаси муқаррар тартибда экспертиза қилиниши лозим бўлган касаба уюшма кўмитаси жамоа шартномаси қабул қилинишидан 2 ҳафта олдин рўйхатдан ўтказувчи идораға экспертизадан ўтказиш учун жамоа шартномасининг лойиҳасини барча иловалар билан тақдим этади.

— Меҳнатқашлар манфаатларини таъминлаш ва ёқлашда жамоа шартномаларининг ўрни ниҳоятда катта. Лекин ушбу ҳужжатнинг аҳамиятини тушунмаётган ёки бўлмаса унга

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети республикамизда кўзга кўринган таълим даргоҳи ҳисобланади. Университетнинг 11 та факултетида 70 нафарға яқин фан доктори, профессор ва академик, 220 нафардан ортиқ фан номзоди, доцент, 400 нафардан ортиқ ўқитувчи талабаларға сабоқ бермоқда.

● Бошланғичда нима гап?

350 ходим

«Хумсон»да дам олди

Мазкур таълим даргоҳида профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ижобий ҳал этишға устувор вазифа сифатида қаралади. Бу борада касаба уюшмаси ижтимоий шериклик таъминчиларига амал қилган ҳолда қатор ишларни амалга оширмоқда.

— Инсон манфаатидан улғ нарса йўқ, — дейди университет касаба уюшма кўмитаси раиси Салим Болтабоев. — Жамоада фахрий устоз-мураббийларға хурмат-эҳтиром кўрсатиш аънанаға айланган. Ҳар бир байрам олдидан уларнинг ҳолидан хабар олиниб, иззат-икром кўрсатилади. Фахрий устоз-мураббийлар сафида 10 нафарға яқин иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳам бор. Улар ҳаммиша касаба уюшмасининг диққат-эътиборида. Бу йил кам таъминланган 20 нафарға яқин педагог-ҳодимнинг оиласи моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, уларға озиқ-овқат махсулотлари олиб берилди.

Шунингдек, Мустақиллик байрами олдидан кексалик гаштини сураётган 10 нафардан ортиқ фахрий устозларға моддий ёрдам кўрсатилди.

Жисмоний тарбия ва спорт нафақат саломатлик гарови, кишилар ўртасида аҳиллик ва бирдамликни таъминловчи восита ҳамдир. Университетда ўтказилган мини футбол бўйича «Мустақиллик кубоги» мусобақаларида профессор-ўқитувчилар, ишчи-ҳодимлар ва талабалар жамоалари фаол иштирок этди. Фолиблар моддий рағбатлантирилди.

Жорий йилнинг май ойида иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси томонидан 50 нафарға яқинға профессор-ўқитувчи ва ишчи-ҳодимларнинг қадимий Самарқандға саёҳати уюштирилди.

Халқимизда «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деган нақл бор. Буни яхши англаган университет касаба уюшма кўмитаси 350 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ҳодимнинг «Хумсон» ёзги оромгоҳида, 20 нафарға яқин ҳодимнинг эса «Чимён», «Бўстон», «Чортоқ», «Оқтош», «Зомин», «Ботаника» соғломлаштириш масканларида дам

олиб, саломатлигини тиклаш учун имкон яратиб берди.

— Ушбу даргоҳда 30 йилдан буён меҳнат қиламан, — дейди доцент Жамила Ҳасанова. — Сўнгги йилларда касаба уюшмасининг фаолияти, кўрсатилаётган ғамхўрликдан ҳар бир аъзо руҳланиб, янада самарали меҳнат қилишға интилмоқда. Айниқса, бу йилги ёзги дам олиш мавсумининг намунали ташкил этилгани барчани бирдек севинтирди.

— Табиий география факультети ўқитувчиси Рустам Тошхўжаев ва университет хўжалик ишлари мудираси Кимё Юсуповаға Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан «Оқтош» санаторийсига бепул йўлланма берилди, — дейди Салим Болтабоев. — Бу ҳам касаба уюшмасининг ишловчиларға бўлган юксак эътиборидан далолат.

Рағбат кишини доимо ютуқлар сари ундайди. Ходимлар манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган бундай ишлар замирида ана шу жиҳат яққол кўзга ташланади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
журналист

● Кун тартибидаги масала

Ишчи-ҳодимларнинг ғамхўри ва таянчи ҳисобланмиш касаба уюшмаларининг нодавлат секторда ҳам ўрни мустаҳкамланмоқда. Ушбу тизимда касаба уюшма ташкилотларини тузиш борасида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши томонидан сезиларли ютуқлар қўлга киритилаяпти. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки саккиз ойида 9 та нодавлат ташкилотда касаба уюшма ташкилоти тузишға эришилди. Бу билан вилоят кенгаши тасарруфига ҳозирги кунгача 101 та нодавлат ташкилот ва уларда ишловчи 1214 нафар ходим жалб этилди.

Касаба уюшмалари нодавлат секторда

— Мақсадимиз аъзолар сонини кўпайтиришгина эмас, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат, — дейди тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Рустамжон Раҳматуллаев.

Кенгаш томонидан нодавлат сектордаги касаба уюшмалариға алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаёттир. Чуст шаҳридаги «Шаҳризода шифо сервис» ХК касабақўм раиси М.Талабова, Учқўрғон туманидаги «Учқўрғон фарм сервис» МЧЖ касабақўм раиси А.Мамадалиев каби фидойиларнинг самарали фаолиятида бу ўз аксини топаётти. Янги-янги аъзолар сафға қўшилгани сари жамоат ташкилотининг нуфузи ҳам ортмоқда.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири



(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент давлат юридик институти олимлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мутахассисларидан таркиб топган эксперт гуруҳи томонидан, аввало, мавжуд қонунчилик ўрганилиб, ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган ҳолатлар аниқланди. Ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқий амалиёт таҳрибаси таҳлил қилинди.

Ҳозирга қадар мазкур қонун лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилиги, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги ўрганилиб, ҳуқуқий экспертиза ўтказилди. Муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича икки юздан зиёд тақлифлар олинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан жорий йилнинг 9 ойида 16 та қонун лойиҳаси ва 29 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат кўриб чиқилиб, тегишли тақлифлар киритилди. Шунингдек, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтиришни таъминловчи ва барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотлари учун услубий-амалий ёрдам кўрсатувчи 30 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

УЧ ЙИЛДА БИР МАРТА

Касаба уюшмалари тизимидаги 16 та санаторийга йўлланмалар беришнинг янги тартибига кўра, ходим касаба уюшма кўмитаси орқали санаторийга йўлланма имтиёзли шартларда аввалгидек 5 йилда 1 марта эмас, балки ҳар 3 йилда олиши мумкин. Бундан ташқари, бошланғич касаба уюшма кўмиталарининг молиявий салоҳияти оширилиши натижасида ҳар йили кўшимча 10 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзосини соғломлаштириш имконияти юзага келди.

Энди эришилган натижалар ҳақида қисқача маълумот. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 82 минг нафарга яқин киши соғломлаштирилди. (улардан 35 минг нафари хотин-қиз).

Агар 2010 йилнинг 9 ойида касаба уюшма ташкилотлари орқали имтиёзли асосда 15 минг нафар меҳнатқаш соғломлаштирилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу рақам 16 минг нафарни (7 минг нафар хотин-қиз) ташкил этди. 2 мингтага яқин йўлланма кам таъминланган ва кўп болали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига ажратилди.

Беғубор болалик дамларини қизиқарли ва мазмунли ўтказиш, фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан камол топишида кўмаклашиш эътиборнинг олий намунасидир. Жорий йил ёз мавсумида 268 минг нафардан зиёд бола соғломлаштирилди. Соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмаларининг 50 фоизи кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари учун ажратилди. Оролбўйи болалари, Меҳрибонлик уйи ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбиркорларнинг 4 минг нафардан зиёд фарзанди имтиёзли равишда соғломлаштирилди.

Шунингдек, ўтган йиллардан фарқли ўлароқ янги йўналишдаги соғломлаштириш оромгоҳлари — «Болаларни интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи», «Меҳнат ва ҳордиқ», «Ҳарбий спорт» оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Бош келишув иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги жамоа-шартномавий муносабатларни ижтимоий шериклик тамойиллари асосида мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, мамлакатимиз миқёсида 85 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида 14 та ҳудудий келишув, шунингдек, 509 та ҳудудий-тармоқ келишуви амал қилмоқда. Бевоқиф корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган 115 мингдан зиёд жамоа шартномалари орқали 5 миллион нафарга яқин кишининг манфаати ҳимояланаётди.

Жамоа-шартномавий муносабатлар билан юридик шахсларнинг 91 фоизи қамраб олинган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг 80 фоизидан кўпроғига иш берувчи ташаббусига кўра,

1507 нафар талаба учун контракт пулларининг бир қисми қопланди. Бундан ташқари, 8 минг нафарга яқин ёлғиз ва кексаларга ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Яна бир эътиборли жиҳат, Федерация кенгаши томонидан жамоа келишувлари ва шартномалари мазмунининг қонунчилик меъёрларига мувофиқлигининг таъминланганлиги бўйича экспертизадан ўтказиш амалиёти жорий этилиб, улар сифатини ошириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш имкони яратилди.

НОДАВЛАТ СЕКТОРДА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ

кўра, касаба уюшма фаоллари томонидан 895 та корхонада яратилган янги иш ўринларининг ҳақиқийлиги ўрганилди.

Аҳоли бандлигини ошириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга ҳисса қўйишга ҳам эътибор кучайтирилди. Жойларда қабул қилинаётган жамоа келишуви ва шартномаларига «Устоз-шоғирд» тизимининг самарали ишлашнинг таъминловчи қатор янги тадбирларни киритиш ва жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчиларига меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътил ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида

Янги ланиш ташаббускорликни

ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал, албатта, касаба уюшма кўмитасининг розилигини олиш лозимлиги тўғрисидаги банд киритилишига эришилди. Бу меҳнатқашлар, касаба уюшма аъзоларини ноқонуний ишдан бўшатишдан муҳофаза этади.

Жамоа шартномалари орқали меҳнатқашларнинг 40 фоизи ҳар йили асосий узайтирилган ва кўшимча таътиллاردан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 60 минг нафарга яқин фуқарога ва 33 минг оилага 11 млрд. сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 467 оилага узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди учун фоизсиз ссудалар ажратилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларнинг 44 минг нафардан зиёд фарзандлари учун ўқув қуроллари тақдим этилди. 33 минг нафарга яқин кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, олий ўқув юрларида таҳсил олаётган

Нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиши узоқ йиллар мобайнида оғир нуқта бўлиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ниҳоят, муз кўчди. Хусусан, жорий йилнинг 6 ойида нодавлат сектордаги 782 та корхона ва ташкилотда касаба уюшмаси тузилди ҳамда 19 минг нафар ходим аъзоликка қабул қилинди. Натижада жамоа шартномалари ва келишувлари орқали қатор имтиёз ва қулайликлардан нодавлат сектор ходимлари ҳам фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Буларнинг барчаси касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ўрнатилган ижтимоий шерикликнинг яна бир амалий кўринишидир.

Ўқув юрти — ўқувчи — корхона

Шу ўринда янги иш ўринлари яратилиши соҳасида жамоатчилик назорати амалга ошираётганини ҳам эътироф этиш жоиз. Жорий йил 9 ойи натижаларига

кўшимча имтиёзлар бериш, корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган битирувчилар — ёш мутахассисларга бир марталик тўлов бериш ва кўшимча иш ҳақи ўрнатиш, ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқа ишчи-хизматчилар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш шулар жумласидандир. 9 ой мониторинг натижаларига кўра коллежларнинг корхона, ташкилот ва муассасаларга амалиёт ўташ учун бириктирилган 2,5 минг нафар ўқувчисига 20 фоизлик, 627 нафар битирувчига 50 фоизлик моддий ёрдам кўрсатилган.

КАСАБА УЮШМА ҲИСОБИДАН...

Излаган имкон топади, деб бежиз айтилмаган. Ана шу ақидага амал қилган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан янги иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг чекка ҳудудларида аёллар бандлигини таъминлаш мақсади-



да тикувчилик ва қандолатчилик цехлари ташкил этилиб, 30 нафар хотин-қиз иш жойига эга бўлди.

Шунингдек, Андижон шаҳрининг Ўзбекистон кўчасидаги қандолатчилик цехида 20 нафар киши иш билан таъминланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

«ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ ЎЗАРО ИШОНЧНИ МУСТАҲҚАМЛАЙДИ

Юксак ҳуқуқий маданият ҳар қандай қонун бузилишининг олдини олишда муҳим омилдир. Касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ҳам, иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий били-

да ходим ўз ишига тикланди.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — ХОТИРЖАМ ИШЛАШ КАФОЛАТИ

Федерация кенгаши фаолиятида ходимлар меҳнати муҳофазаси, улар учун етарли иш шaroити яратиш масалалари муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда барча ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида меҳнат муҳофазаси хизматлари ташкил этилди.

Мазкур хизматлар томонидан ишлаб чиқаришдаги жароҳатлар ва касб касалликларининг олдини олиш, ходимларни санитар-маи-



жараёни

тақозо этади



мини оширишга аҳамият берилаётгани ҳозирданок ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, касаба уюшма юридик хизматлари фаолияти кучайтирилди. ЎЗКУФК, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида «Ишонч телефони» ҳамда ҳуқуқий ёрдам маслаҳат хизмати жорий этилди.

Айниқса, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг бажарилиши, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қаратилган бўлиб, мазкур маслаҳат хизматлари орқали ёш тадбиркорларга ўз фаолиятини йўлга қўйиши ва ривожлантириши борасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Натижада, ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялашда жойларда иш берувчилар томонидан йўл қўйилаётган қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан 591 ҳолат бўйича киритилган тақдимноманинг 484 таси ижобий ечим топди. Ишдан ноқонуний бўлган 72 нафар ходимнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида судларга киритилган даъво аризалари бўйича 42 ҳолат-

ший бинолар, махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш жойларида зарарли омилларни камайтириш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 5200 та касаба уюшма кўмитаси фаолияти ўрганилиб, уларга меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшма мутахассислари томонидан давлат техник меҳнат инспекторлари билан ҳамкорликда янги ташкил этилган иш жойларида ходимларга, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларга меҳнат муҳофазаси ва етарли меҳнат шaroити яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ишларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоат назорати» Республика кўрик-танлови корхона ва ташкилотларда соғлом муҳит қарор топишига хизмат қилмоқда.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Таъбир жоиз бўлса, фаолиятнинг энг нозик қирралари савол-жавоб асосида сайқал топади. Бу гал ҳам шунинг гувоҳига

айландик. Бир-биридан долзарб саволлар берилди ва албатта, тегишлича жавоблар олинди.

Куйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

Савол: Уч томонлама Бош келишувнинг аҳамияти ҳақида соатлаб гапиришимиз мум-

ҳаракат қилишмоқда.

Савол: «Ishonch» газетасида «Ўзбекистон Металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида яратилган шартшaroитлар тўғрисида бир саҳифа мақола чоп қилинганидан хабарингиз бор, албатта. Ҳақиқатан ҳам ушбу оромгоҳ Қора денгиз бўйларидаги дам олиш масканларини ёдга солади. Яна бир муҳим жиҳати, у йил давомида фаолият кўрсатади. Яна шундай оромгоҳларни барпо этиш Федерация кенгашининг истиқболдаги режасида борми?

Жавоб: Касаба уюшмалари томонидан ҳар йили 4 тадан оромгоҳ қуриб топширилиши белгиланган бўлиб, умуман олганда, юртимизнинг энг баҳаво жойларида 200 та оромгоҳ қурилиши бўйича таклиф тайёрлаб қўйилган. Улар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилади, албатта. Бундан ташқари, етакчи корхона ва ташкилотлар томонидан ҳам замонавий оромгоҳлар қурилиши назарда тутилган. Ушбу оромгоҳлар бу йил ишга туширилган «Кўёшли» ва сиз таъкидлаб ўтган «Ёшлик»дан асло қолишмайдиган бўлади.

Савол: Иш берувчининг фуқароларни мажбурий сугурталашини амалга ошириш юзасидан қонун қабул қилинган ва бу борада муайян иш олиб борилмоқда. Бунда касаба уюшмаларининг ўрни қандай?

Жавоб: Бу масала чиндан ҳам долзарб аҳамият касб этиб, уни келишув ва жамоа шартномаларида акс эттиришга ҳаракат қилинмоқда. Бинобарин, жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказишда фуқароларни мажбурий сугурталашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараён ҳужжатларда ва амалиётда ўз аксини топмоқда.

Савол: 1. Кейинги пайтларда ходимларнинг вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги учун пултўланмаётганлиги ҳақида баъзан эшитиб қоламиз. Бунга касаба уюшмасининг муносабати қандай?

2. Хориж давлатлари-

да ҳаво ҳарорати маълум даражадан ошса ёки тушиб кетса, қўшимча ҳақ тўланади. Бизда ҳам шундай вазиятларда қўшимча ҳақ тўланадими?

3. Талаба-ўқувчиларнинг шарнома пуллари қандай шартлар асосида тўлаб берилади?

Жавоб: 1. Ходимнинг ишга вақтинчалик лаёқатсизлиги учун авваллари ижтимоий сугурта маблағидан ҳақ тўланарди. Кейинчалик бу иш берувчи зиммасига юклатилгач, масала моҳиятини тўлиқ тушунмаган айрим раҳбарлар томонидан турли баҳоналар рўқач қилиниш ҳолатлари ҳам учраб туради. Аммо Меҳнат кодексининг 49-моддасига киритилган қўшимчага кўра, иш берувчиларнинг жавобгарлиги қатъийлаштирилган бўлиб, унга мувофиқ, ҳомиладор аёллар ва вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги учун ходимларга, албатта, ҳақ тўланиши даркор. Бу жойларда касаба уюшма мутасаддиларидан қатъиятлироқ бўлишни тақозо этади.

2. Вазирлар Маҳкамаси томонидан ноқулай шaroитдаги 34 та туман рўйхатга олинган. У ерда ишлаётганлар учун туман коэффицентлари тўланади.

3. Контракт пуллари тўлашда ота-онаси йўқ, кам таъминланган ва ноқор оилаларнинг талаба фарзандларига биринчи навбатда имтиёз берилади.

АСОСИЙ МЕЗОН — ИНСОН КАЙФИЯТИ

Агар ходимнинг ишлаши учун барча зарур шaroит яратилган бўлса, меҳнати муҳофазаланса, ўша инсоннинг кайфияти аъло бўлади. Кайфият кўтаринки жойда иш унумининг юқори бўлиши ҳаммамизга маълум.

Меҳнаткашлар кайфияти кўтаринки бўлса, билинги, уларнинг энг оммавий жамоат ташкилотига бўлган ишончи ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Буни бугун биз ўзимиз кўриб, жонли гувоҳ бўлиб турибмиз.

Зайниддин РИХСИЕВ,
Тўлқин ШЕРНАЕВ,
Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбирлари.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар



Сўраган эдингиз



Ходим таътилни таътил жадвалида белгиланган вақтдан бошқа вақтда олишга ҳақлими? Бунинг учун нима қилиш лозим?

Таътил жадвалининг бажарилиши мажбурийдир. Ходим бирор сабабга кўра таътидан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақтдан бошқа вақтда олишни хоҳласа, бунинг сабабини кўрсатиб иш берувчига ариза бериши лозим. Иш берувчи ходимнинг аризасини кўриб чиқиб, баён қилинган сабаб асосли бўлса ходимнинг талабини қаноатлантириб, таътил бериш вақтини ходим билан келишилган бошқа вақтга ўзгартириши лозим. Бу ҳақда буйруқ чиқариб, унда таътил бериш вақтини ўзгартириш сабаби ва таътил бериладиган янги муддат кўрсатилади.

Куйидаги ҳолатларда иш берувчи ходимнинг талаби билан бошқа вақтга кўчириши шарт (МКнинг 145-моддаси):

— ходимга таътил бошланиши ҳақида ўз вақтида (камида 15 кун олдин) хабардор қилинмаса;

— таътил бошлангунга қадар таътил пули берилмаса;

Куйидаги ҳолатлар юзага келса иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан таътил муддати узайтирилади ёки ундан фойдаланиш бошқа муддатга кўчирилади (МКнинг 145-моддаси):

— вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври (оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилган даври (МКнинг 285-моддаси));

— ҳомиладорлик ва туғиш таътили даври;

— ўқув таътили даври;

— давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш даври (қонун ҳужжатларига кўра

рўйхат корхонанинг меъёрий ҳужжатида кенгайтирилиши мумкин.

Баъзи тоифадаги ходимларга таътил МКнинг 144-моддасига кўра уларнинг хоҳишига кўра ўзларига қулай бўлган бошқа вақтда берилди, яъни:

— 14 ёшга тўлмаган болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота (она)га;

— муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

— I ва II гуруҳ ногиронларига;

— 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

— 18 ёшга тўлмаган шахсларга;

— таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийётганларга (МКнинг 250-моддаси);

— жамоа шартномасида белгиланган бошқа ҳолларда.

Шунингдек, ишлаётган эркаларга уларнинг хоҳишларига кўра хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилди.

Таътил бериш муддати умумий қоидага кўра иш берувчи билан ходимнинг ўзаро келишувига биноан бошқа муддатга кўчиришга узрли ҳолатлар бор бўлган тақдирда ҳам иш берувчининг розилигисиз ҳақли эмас. Шунингдек, иш берувчи ҳам таътил муддатини ходимнинг розилигисиз ўзгартириш ваколатига эга эмас. Мазкур масала юзасидан низо юзага келса, умумий тартибда ҳал этилади.



Ходим таътилга чиқди. Неча кундан кейин уни таътидан чақириб олиш мумкин?

Таътидан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилди. Қонунчиликда таътидан неча кун фойдаланганидан кейин чақириб олиниши кўрсатилмаган. Шу сабабли таътидан неча кун (масалан, бир кун, ўн тўрт кун, йигирма бир кун) фойдаланганидан қатъи назар чақириб олиниши мумкин. Бундай ҳолда таътидан фойдаланилмай қолган қисми ходимга шу иш йили давомида бошқа вақтда берилди ёки Меҳнат кодексининг 143-моддаси 6 ва 7-қисмларига риоя қилган ҳолда (ўн икки иш кунидан ортиқ қисми) кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилди. Иш берувчи бу ҳақда буйруқ чиқариб, ходимни имзо қўйдириб таништириши керак.

Агарда ходим таътилнинг биринчи кунидан чақириб олинса, бу ҳолда у таътидан фойдаланмаган бўлади. Шу туфайли ходимга таътил берилгани ҳақидаги буйруқни бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.



Меҳнат таътили жадвалига риоя қилиш шартми? Ходим таътилга чиқишни хоҳламаса, таътил берилмаслиги мумкинми?

Меҳнат таътили ходимларга дам олишлари ва меҳнат қобилиятларини тиклашлари учун берилди. Йиллик таътилар бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи касба уюшма кўмитаси билан келишиб тасдиқлайдиган жадвалда белгиланади. Таътилар жадвали ҳам бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатдир. Иш берувчи жадвалга асосан белгиланган муддатда ходимга таътил бериш ҳақида буйруқ чиқариши ва бу ҳақда ходимни хабардор қилиб, унга таътил пулини бериши лозим.

Меҳнат қонунчилиги ходимга меҳнат таътили ҳар йили берилишини кафолатлайди. Таътил берилмаса, ходим талаб қилган тақдирда ҳам иш берувчи томонидан ходимнинг дам олиши ва меҳнат қобилиятини тиклаши учун имконият яратилмаган деб баҳоланади. Демак, ходимнинг хоҳишидан қатъи назар иш йили давомида таътил берилиши керак. Таътил бериш ҳақида буйруқ чиқарилганидан кейин ходим раҳбарнинг рухсатсиз ишини давом эттирса, бу унга ҳақ тўланишига асос бўлмайди. Иш берувчи таътил берилган ходимни ишга қўймасликка ҳақли.



Бир корхона бошқа корхона билан қўшилиб кетган. Кўшилган корхонанинг бола парвариши таътилидаги ходимини ишдан бўшатиш мумкинми?

Корхона мулкдори алмашганда, шунингдек, корхона қўшиб юборилганда, бирлаштирилганда, бўлиб юборилганда, қайта тузилганда, ажратилганда, меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади (МКнинг 98-моддаси). Бундай ҳолатда ҳам иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш умумий асосда ҳал этилади. Демак, корхона қўшиб юборилишини сабаб қилиб ходимни ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 237-моддасида

уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги (корхонанинг тугатилиши бундан мустасно) кафолатланган. Ушбу талабга кўра, корхона қўшиб юборилиши муносабати билан бола парвариши таътилида бўлган ходимни ишдан бўшатилиши меҳнат қонунчилиги талабларига зид ҳисобланади ва Меҳнат кодексининг 111-моддасига асосан ходимни аввалги лавозимига тикланишига асос бўлади.



Ходим декрет таътилида бўлган вақтда унинг лавозими бошқа паст лавозимга ўтказилган. Раҳбарнинг бу ҳақдаги буйруғи қонуний ҳисобланадими?

Ходим таътилда (шунингдек, декрет таътилида) бўлган даврида ҳам у билан меҳнат муносабатлари меҳнат шартномасига асосан давом этаётган ҳисобланади. Демак, меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш шунингдек, бошқа ишга ўтказиш ҳам амалдаги қонун (МКнинг 92-моддаси) талабига биноан ходимнинг розилиги билан ҳал этилади. Ходимнинг бошқа лавозимга ўтказилиши унинг розилигисиз амалга оширилган бўлса, иш берувчининг бу ҳақдаги буйруғи қонунга зид ҳисобланади ва Меҳнат кодексининг 111-моддасига мувофиқ аввалги лавозимга тикланиши лозим бўлади.



Ходим меҳнат шартномасини икки ҳафта ўтмасдан бекор қилишни сўраган. Раҳбар ундан икки ҳафта ишлаб беришни талаб қилишга ҳақлими?

Ходим Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан, меҳнат шартномасини икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб бекор қилишга ҳақли. Ушбу огоҳлантириш муддати ўтмасдан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи ходим билан иш берувчининг ўзаро келишувига биноан ҳал этилади. Демак, ходимнинг огоҳлантириш муддати ўтмасдан ишдан бўшаш ҳақидаги таклифига розилик бериш ёки бермаслик иш берувчининг ҳуқуқи. Ходимнинг кундузги ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги каби ишни давом эттириш имкони бўлмайдиган узрли сабаблар мавжуд бўлганда, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим талаб қилган муддатда бекор қилиши керак.



Ходим бир неча йил таътидан фойдаланмаса, таътиллари куйиб кетадими? Кўпи билан неча йиллик таътилни олиши мумкин?

Амалдаги қонунчиликда ўз вақтида фойдаланилмаган меҳнат таътилидан фойдаланиш тақиқланган эмас (таътилни куйиб кетиши назарда тутилмаган). Демак, ходим ўз вақтида фойдаланмаган меҳнат таъти-

лидан, таътил неча йиллик бўлишидан қатъи назар, агарда иш берувчи бунга рози бўлса фойдаланиши мумкин. Шунингдек, ҳар қандай ҳолат, иш берувчи таътилни ўз вақтида берилишига масъулдир.



Ходим ўз хоҳиши билан ишдан бўшатишни сўраб ариза берган. Шу вақт ичида ходим касал бўлиб қолса, икки ҳафталик муддат чўзиладими? Ходим касал бўлган куни унинг аризаси бўйича ишдан бўшатиш мумкинми?

Ходим меҳнат шартномасини икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб бекор қилишга ҳақли экани Меҳнат кодексининг 99-моддасида белгиланган. Бирок огоҳлантириш муддати бирор сабабга кўра узайтирилиши назарда тутилмаган. Меҳнат шартномасини бекор қилиш фақатгина иш берувчининг та-

шаббуси билан амалга оширилдиган бўлсагина ходимнинг касаллик даврида ва таътилда бўлган даврида йўл қўйилмайди. Демак, ҳар қандай ҳолат, шунингдек, касаллик даври ҳам ходимнинг ишдан бўшаш ҳақидаги огоҳлантириш даврига ҳисобга олиниши ва меҳнат шартномаси ҳам бекор қилиниши лозим.



Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши ҳақида ходим огоҳлантирилган. Огоҳлантириш даврида ходим касал бўлиб қолса, огоҳлантириш муддати чўзиладими?

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши ҳақида ходим Меҳнат кодексининг 102-моддасида белгиланган муддатларда ёзма равишда огоҳлантирилиши шарт. Огоҳлантириш муддатига ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди. Корхона тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиниши бундан мустасно.

Меҳнат қонунчилиги юзасидан берилган саволларга Наманган вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юристи Воҳид Мамажонов жавоб берди.



Иш ҳақи сақланмаган таътил кўпи билан қанча муддатга берилди?

Амалдаги қонунчиликда ходимнинг аризасига кўра иш ҳақи сақланмаган таътил берилиши мумкинлиги назарда тутилган. Таътилнинг муддати ходим билан иш берувчининг ўзаро келишувига асосида белгиланади. Бундай турдаги таътилнинг муддати чекланган эмас. Демак, томонлар келишган бўлса бир кун, тўрт ой, 3 йил... муддатга иш ҳақи сақланмаган таътил берилиши қонунга зид ҳисобланмайди.

Қонунчиликда баъзи тоифадаги ходимларга муқаррар тартибда (иш берувчининг розилигидан қатъи назар) иш ҳақи сақланмаган таътил берилиши ҳам кўрсатилган. Масалан, Меҳнат кодексининг 150-моддасига асосан:

— 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили 14 календар кунга қадар;

— ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — ҳар йили 14 календар кунга қадар;

— икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга — боласи уч ёшга тўлгунга қадар;

— ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга — ҳар йили 14 календар кунга қадар иш ҳақи сақланмаган таътил берилди.

Бухоро

Фермернинг цехи

Пешку туманидаги «Якшаба мадади» фермер хўжалиги қорамолчилик ҳамда ғаллачиликка ихтисослашган. Жамоада ишнинг тўғри ташкил этилгани даромадлар салмоғини ошириб, қўшимча имкониятлар эшигини очмоқда. Яқинда бу ерда сутни қайта ишлаш цехининг ишга туширилиши фикримиз исботидир.

Цех «Агробанк»нинг Бухоро филиали томонидан ажратилган узоқ муддатли кредит эвазига бунёд этилган. Ушбу цехда йилига 400 тонна сутни қайта ишлаш имкони мавжуд. Цех хом ашёсининг асосий қисми фермер хўжалиги ҳисобидан олинса, бир қисми қишлоқ аҳлининг эхтиёжидан ортиқчаси эвазига қопланмоқда. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган қатик, қаймоқ, бринза, сметана каби маҳсулотлардан харидорлар баҳраманд бўлишмоқда.

Фермернинг янги цехида Муроди қишлоғининг 8 кишиси доимий иш билан банд бўлгани ҳам айна муддаодир.

Энг яхши коллеж

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино тугилиб ўсган қишлоқда фаолият кўрсатаётган Афсона тиббиёт коллежида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳар томонлама эътиборга моликдир. Коллежнинг ташкил этилганига атиги 5 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида ушбу билим юртини мингдан зиёд ўқувчи битириб чиқди. Айни чоғда коллежда 1018 нафар йигит-қиз тўрт йўналиш бўйича таҳсил олмоқда.

Ёшларнинг чуқур билим олиши, спорт билан шуғулланиши, адабиёт ва санъат билан ошно бўлиши учун бу ерда барча шароит яратилган. Ўқувчилар вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган мусобақа, кўрик-танлов ҳамда тадбирларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Билим юрти 7972 та китоб фондига, 350 та электрон дарслик ва мултимедияга эга.

Ана шундай ибратли жиҳатлар инobatга олиниб, билим масканига вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган аънавий кўрик-танловда «Йилнинг энг яхши ўрта махсус касб-хунар коллежи» сифатида биринчи ўрин берилди.

Иzzатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ННТ фаолиятдан

Сурхондарё вилоят ногиронлар жамияти 2008 йилдан бошлаб турли лойиҳалар устида ишлаб, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг грантини қўлга киритган. Жамият ушбу маблағ асосида ҳозирга қадар салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хайрли ишлар кўлами

— Термиз шаҳрида 2008 йилда ногирон болалар саводхонлигини ошириш, компютер билимларини бериш мақсадида 20 нафар кам таъминланган бола ЭХМ операторлик курсида ўқитилиб, шаҳардаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди, — дейди жамият раиси Н.Саидов. — 2010 йилда ҳар икки ойда 5 нафар ногирон

аёл тикувчилик касбига ўқитилиб, иш билан таъминлаш мақсадида уйларда касаначилик ишлари ташкил этилди.

Вилоят ногиронлар жамияти 2011 йилда ногирон аёлларни иш билан таъминлаш, уйда ўтириб қолган ногирон аёллар бандлигига қўмаклашиш, касаначилик ишларини ташкил этиш мақсадида туманларда

янги тикувчилик курслари йўлга қўйилмоқда. Вилоят ногиронлар жамияти ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида жорий йилнинг 9 ойида уйда ўтириб қолган ногиронларга 148 та ногиронлик аравачаси, 59 та

қулоқ эшитиш мосламаси, 69 та кўлтиқтаёқ ва ҳасса берилди.

Жамият жорий йилда ногирон болалар ўртасида ҳар бир туманда «Мафтункор» кўрик-танловини ўтказди. Фолиблар вилоят якуний босқичида ҳам иштирок этишди. Бундай хайрли ишлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири



Тошкентда «Ипак йўли туризми — 2011» Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.

Ярмаркани ўтказишдан асосий мақсад — мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини, жумладан, ички туризмни янада кенгроқ ишга солиш, юртимизни хорижда кенг тарғиб этиш, соҳани ривожлантириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти-ни янада юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, янги сайёҳлик маҳсулотларини намойиш этиш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

О.Мирсоатов(ЎЗА) олган сурат

Қашқадарё

Қишки

мавсум учун

Қишлоққа sanoatни олиб киришга қатъий аҳд қилган Китоб туманининг Жилисув фуқаролар йиғини худудидagi «Қахрамон агромашсервис» масъулияти чекланган жамияти ишчилари янги турдаги касбни ўзлаштирдилар.

Фермерлар етиштирган мева, сабзавотлардан қишки мавсум учун консерва тайёрланмоқда. Россия давлатидан 45 миллион сўмга келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида йилига 200 тонна маҳсулот қайта ишланиб, ички ва ташқи бозорга чиқарилади.

Агрофирма
балиқлари

Касби туманида «Бозоров Хайитмурод» агрофирмасида 1 гектар майдонда қўл ташкил қилиниб, хайрли ишлар бошлаб юборилди.

Жамоа раҳбари Бахтиёр Очилонинг таъкидлашича, бу йилги мавсумда 2 тоннага яқин балиқ овланиб, савдо шохобчалари ва ошхоналарга топширилади.

Иzzат ХИКМАТОВ

Тошкент

«Экология» ўқув қўлланмаси

«Экология» тушунчасини илк бор фанга киритган европалик дарвинчи олим Эрнест Геккел ўз вақтида бу масалага жамоатчилик эътиборини торттиб, табиатдан ноўрин фойдаланиш оқибатида содир бўладиган техноген фалокатларнинг олдини олиш учун, энг аввало, кишиларда экологик маданиятни шакллантириш лозимлигини таъкидлаб ўтганди.

Айни пайтда экология алоҳида фан сифатида 71 йўналиш бўйича ривожланаёпти. «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва экологик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш истиқболлари дастури ва концепцияси ҳақида»ги республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма қарори асосида «Экология» ўқув қўлланмаси чоп этилди. Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида унинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда айтилишича, юртимиз таълим тизимида ёш авлодга экологик билимлар бериш табиатшунослик, умумий биология, саломатлик дарслари каби соҳага яқин фанлар доирасида амалга оширилаяпти. Бу эса таълим муассасаларида мазкур фан бўйича алоҳида ўқиш соатлари ажратиш, янги дарсликлар яратиш вазифасини қўяди. Унинг юзага келишида олимлар Ш.Отабоев, З.Маликов, Ш.Мамадалиев ва М.Мирсовуровларнинг хизмати катта бўлди.

Наргиза АСАДОВА

Бухоро

Янги ҳосилдан сифатли тола

Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш sanoati корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилда «Шеробод пахта» ОАЖда реконструкция ишлари бошланди. 5 млрд. 498,4 млн. сўмлик қурилиш-монтаж, янги асбоб-ускуна ва бошқа зарур жиҳозлар ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

«Эл-Сурхон Самарқанд» МЧЖ ва буюртмачи томони-

дан 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчи жалб этилиб, қисқа фурсатда корхона сифатли реконструкция қилинди.

Ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилиши, дам олиши, овқатланиши ва ювенили учун барча қулайлик муҳайё. Цехларга чет элдан келтирилган жиҳозлар ўрнатилди. Жумладан, 20 донна линтер жиҳозлари, УХК поток линияси, 1-ХПН асбоб-ускуналари пахта сифатли тозалаш ва юкори навли тола ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Илғор технология жорий этилиб, сарф-харажатлар аввалгига нисбатан 20 фоизга

қисқартирилди. Айниқса, электр энергиясини тежашга алоҳида эътибор қаратилди. Бош бинода 630 КВА кучли нишли трансформатор, худудда 1000 кв.лик подстанция, РУ стат конденсатор, ток ҳосил қилишга ёрдамлашадиган электр мосламалари ўрнатилди. Боғлов материаллари, сим, шол материаллар сарфини иқтисод қиладиган НАЧИ русумли аппарат жойлаштирилди.

Завод худуди ободонлаштирилди. Фаввора бунёд қилиниб, ёзги бостирмалар қурилди. Атроф гулзор ва дарахтзорга айлантирилди.

Худудга чироқлар ўрнатилди.

Айни пайтда цехларда янги ҳосилдан сифатли тола ишлаб чиқарилаяпти.

— Бу йил қарийб 40 минг тоннадан кўпроқ ҳосил қабул қилишни ният қилганмиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Анвар Қиличев. — Жойлардаги пахта қабул қилиш масканларида ҳам таъмирлаш гоётда сифатли ўтказилиб, фермер хўжаликлари аъзолари учун қулайликлар яратилди. Шу кеча-кундузда барча масканларимизда ҳосил қабул қилиш қизғин давом эттирилаяпти.

Д.РУСТАМОВ

Болалар фольклори



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Болалар фольклорининг кўна жанрларидан бири бу — алладир. Ухламаётган болага онаси алла айтиши билан алланинг сеҳрли оҳангига маст бўлган кўйи жажжигина гўдак кўзларига уйқу келади. Алладаги сеҳр, жозиба уни маст қилиб кўяди гўё. Аллада шундай сеҳрли оҳанграбо, куч борки, кейинги сафар алла айтилмас гўдак хархаша қилаверади, алла айтилган замонақ, у ҳузурланиб уйқуга кетади.

Алла айтаётган она дунёдаги жамийки яхши ниятларни, тилакларни ўз боласига тилайди:

**Кушчам ғамсиз яшайди,
Унинг ҳар дам вақти чоғ.
Ширинликлар мўл-кўл,
Кўпдир қизиқ ўйинчоқ.
Бари сенгадир, кўзим!
Йиглама ҳеч, юлдузим!
Бахтиёр ўтсин умринг!
Ухла қувонч, кундузим!
Алла, алла,
Алла, алла, аллаё.
Ухла кўзим, аллаё.
Юм кўзингни, юлдузим,
Юм кўзингни, кундузим!**

Оналар фарзандларига алла айтаётганларида ўзларининг лирик кечинмаларини баён этишади, алла мавзуси эса ушбу кечинмаларга боғлиқ бўлади.

Эртақлар болалар фольклорининг ажралмас қисми ҳисобланади. Халқимиз томонидан яратилган эртақларда болалар оламининг ўзига хослиги назардан четда қолмаган. Болаларнинг турли ёшдагилари учун мос эртақларни кўплаб учратишимиз мумкин. Эртақдаги образлар орқали болага ташқи олам ҳақида маълумот берилади, нима яхши-ю нима ёмонлиги, қандай хулқли болаларга нисбатан одобли атамаси қўлланиши ҳақида тушунчалар берилади. Эртақлар ўзларининг содда ва равон тили ҳамда баён услубининг ўзига хослиги билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Эртақларнинг сеҳрли олами орқали болаларда мардлик, ватанга садоқат, ростгўйлик,

Болалар олами ўзгача олам. Уларнинг камол топишида, маънавияти ва ахлоқининг юксалишида болалар фольклорининг ўрни беқиёс. Ҳар бир инсон болалик деб аталмиш беғубор оламнинг ажойиб неъматларидан баҳраманд бўлган. Гўдак туғилганида уни бешикка белаб, алла айтадилар. Кейин эса эртақлар айтиб беришади. Эртақларнинг сеҳрли оламиндан ҳузурланмаган, яна эртақ айтиб беринг деб, ота-онасини ҳоли жонига қўймаган бола бўлмаса керак бу дунёда. Эртақлар болаларни яхшилик сари чорласа, тез айтиш, топишмоқлар эса уларни зийракликка, топқирликка, ҳозиржавобликка ўргатади, бекинмачоқ, қувлашмачоқ, варрак учирини, «Оқ теракми, кўк терак?» каби ўйинлар эса уларни жисмонан баққувват бўлишга ўргатиб, болаларни чиниқтиради. Болалар ўйнайдиган ўйинларнинг ҳар бирида фольклор намуналарини кўришимиз мумкин.

Ўзбек болалар фольклори узоқ тарихга эга. У асрлар давомида шаклланиб, оғиздан-оғизга ўтиш орқали ривожланган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган.

пишмоқлари бугунги кун болалари орасида кенг тарқалган. Уларда турли мавзулар: осмон, ер, сув, йил фасллари, одам, унинг аъзолари ва хислатлари, дарахт, мева-сабзавотлар, уй-рўзғор буюмлари, китоб ва ёзув қуроллари, мусиқа асбоблари акс этган:

**Кийгазсанг унга қалпоқ,
Ёришади ҳаммаёқ,
Ўхшаб кетади нокка,
Уланади у токка.**

(лампочка)

Болалар кўшиқлари ўзларининг осон эса қолиши, қувноқ оҳанги билан бошқа лирик кўшиқлардан фарқ қилади. Болалар кўшиқларининг яна бир жиҳати улар кўпинча ўйинлар таркибида бўлиб, бирор-бир ҳаракат жараёнида ижро этилади. Болалар кўшиқлари бирор-бир табиат ҳодисаси, йил фасллари ва мавсумларга бағишланган бўлади. «Бойчечак», «Офтоб чиқди оламга», «Оқ теракми, кўк терак?», «Читти гул», «Лайлак келди, ёз бўлди», «Ёмғир ёғалоқ» каби кўшиқлар болалар орасида кенг тарқалган.

Ёмғир ёғса, болалар ҳовли-кўчаларга югуриб чиқиб, илк ёмғир томчиларининг заминга тушишидан

боланинг таъриф-таъсиф қилиш орқали болаларда ижодкорлик қобилияти, сўзга чечанлик хислатлари камол топади. Болалар кўшиқларининг оҳанги эса уларни ўйнаб ижро этишга ёрдам беради.

Санамалар болалар ўйинларида кўп учрайдиган фольклор кўшиқларидир. Санамаларнинг асосий вази-фаси ўйин ўйнашдан олдин болаларни гуруҳларга ажратиб олишга ёрдам беришидир. Санамалардаги ўзига хос қофия, ўйноқи оҳанг, ўхшатиш ва сифатлашлар болаларга ўйин бошланмасдан олдин жўшқинлик бағишлайди. Санамалар кичик ёшдаги болаларга санокни ўргатишда ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Санамалар жаҳон болалар фольклорида кенг тарқалган жанр саналади. У турли халқларда турлича номланади. Болалар фольклорининг санама жанри замон тақозосига кўра ўзгаришга, яъни бадиҳагўйлик хусусиятига эга. Ҳозирги кунда санамалар ҳам ривожланиб, уларнинг сони кўпайиши билан биргаликда замонавийлашиб бормоқда. Буни қуйидаги санама намунаси ҳам исботлайди:

Тузалликнинг барҳаёт анъаналари

меҳнатсеварлик, ҳалоллик, довюраклик, сахийлик, эпчиллик каби хислатларнинг камол топишига катта эътибор берилса, дангасалик, ёлғончилик, ишёқмаслик каби иллатлар эса қораланади. Ёшлик чоғларимизданок, буви-буваларимиз томонидан «Зумрад ва Қиммат» эртагида Зумрад образи ўрнак қилиб кўрсатилиши, «Тулки ва лайлак» эртагидаги ёмонликнинг жазосиз қолмаслиги каби ҳаётий ҳақиқатлар эртақлар орқали қалбимиз ва шууримизга сингдириб борилгани ҳам бежиз эмас.

Тез айтишлар эса болалар оғзаки нутқини ривожлантириш билан бирга, уларни ҳозиржавобликка ўргатади ва хотиранинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Тез айтишларнинг яна бир фойдали тарафи, кичик ёшдаги болаларда кўплаб учрайдиган баъзи ҳарфларни талаффуз қилишдаги қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беришидир.

Тез айтишлар орасида болалар фольклорида анча оммалашгани қуйидагилардир:

**Оқ чойнакка кўк қоқоқ,
Кўк чойнакка оқ қоқоқ.
Бир туп тут,
Тўрт туп турп.**

**Қишда кишмиш
пишмасмиш,
Пишса кишмиш
қишмасмиш.**

Топишмоқлар — болаларни топқирликка, ўйлашга ўргатадиган қадимий жанрлардан бири. Болалар учун бир-бирига топишмоқ айтиш ва унга

жавоб топиш жуда завқли туюлади.

Ҳар бир халқнинг топишмоқлари ўша халқнинг турмуш тарзи, ўтмиши ва бугуни, ўзига хос урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланади. Топишмоқ жанри мавзу жиҳатидан жуда ранг-барангдир. Болалар орасида кенг тарқалган топишмоқларга қуйидагиларни мисол қилиб келтирсак бўлади:

**Кичкина декча,
Ичи тўла михча.**

(анор)

**Ер тагида олтин қозик,
У ҳаммага бўлар озиқ.**

(сабзи)

Фольклор ёзма адабиётнинг ривожланишига доимо руҳ бериб келган. Ҳозирги кунда топишмоқ жанри анъаналаридан руҳланиб, ижод қилаётган шоирлардан бири Тоҳир Муллабоевдир. Тоҳир Муллабоевнинг адабий то-

ҳузурланиб кўшиқ ижро этишади:

**Ёмғир ёғалоқ,
Эски чақалоқ.
Энди экинлар
Чиқарар қулоқ.**

Болаларнинг ўзгача тасаввурини, уларнинг ажойиб фикрларини ушбу кўшиқ матнида ҳам кўрсак бўлади. Ёмғирдан сўнг экинларнинг ердан униб чиқиши болаларча тасаввур негизида бамисоли экинларнинг қулоғи ўсиб чиқиши билан қиёсланади. Ёки болалигимиздаги барчамизнинг сеvimли ўйинимиз бўлган «Оқ теракми, кўк терак?» кўшиғини олайлик:

**Оқ теракми, кўк терак?
Биздан сизга ким керак?
Бизга керак мактабда
Энг аълочи Алишер.**

**Оқ теракми, кўк терак?
Бизга Алишер керак.**

Кўшиқ матнидан кўришимиз мумкинки, сўралаётган

**Ойим берди помидор,
Ишонмасанг санаб кўр.
Бир, икки, уч, тўрт, беш,
Олти, етти, саккиз,**

тўққиз, ўн.

**Ўн қарра ўн, чиппи дон,
Чиппи донни боласи —**

кинкон.

Санамалар матнига эътибор берсак, болалар севиб томоша қиладиган мултфилм қаҳрамонлари назардан четда қолмаганини ҳам кўраемиз.

Ўзбек болалар фольклори жанр жиҳатидан ранг-баранглиги, теран мазмуни билан ажралиб туради. Бугунги кунда болалар фольклори ўзининг қадимий кўриниши, ижро услуби, анъаналарини сақлаган ҳолда даврга мос бойиб, ривожланиб бормоқда.

Гулираъно
ОРИФЖОНОВА,
ЎЗМУ Санъатшунослик
йўналиши талабаси





Кел, дўмбирам, куйга солай!

Сурхон сафари... Бахши бобо билан учрашув. «Ойпари» термаси ижроси... Келинг, бир бошдан айтаюлай. Биз — бир гуруҳ амалиётчи талабалар овулу қишлоқ оралаб кекса кишилардан ўлану лапарлар, достону термалар йиғамиз. Уларни гуруннга тортамиз. Содда, қалби булоқ сувидай тоза қариялар Тошкандан болаларимиз атай биз билан суҳбатлашгани келибди, деб хурсанд бўлиб кетишади. Ҳамсоиялар йиғилади. Нима билса, тўкиб солишади. Онахонлар чилдирмани тарақлатиб чашиб, лапар айтишади. Қолганлар қарсақ уриб сурхонча ўйинга тушади. Давра қизигандан-қизийди. Пайтдан фойдаланиб, бу манзарани видео тасмага муҳраймиз. Болам, телевизорда кўрсатасизларма, соддадилларча сўраб қолади бири. Албатта, деймиз кайфиятини кўтариш учун атай ёлғонлаб. Унда мени яхшилаб ол, дея камерага қараб-қараб ўйинни давом эттиради ишонувчан онахон. Бошқа хонадонларга ўтамиз. У ерда ҳам шу аҳвол. Бахши бобоникига боринглар, деб қолади бири. Бу гапни эшитиб, шу томон шошамиз. Қарабсизки, бир зумда бахши бобонинг қўноғи бўлиб турибмиз. Хурсандчилик ва шодонлик нафаси уфуриб турган бу онларда барчанинг қувончи чексиз. Дўмбирадан таралаётган куйга сеҳрлангандек ўтиради. Ёшу қари жой олган уйдан таралаётган дўмбира овози кўча-ю, қарама-қарши жойлашган уйларга ҳам баралла эшитилади. Камина ҳам бу куй оғушида сармат.

**Осмонда учқан қорғалар,
хирмонни кўрса жўрғалар.
Ойпарига жорашар,
қулоққа таққан сирғалар.
Ойпари келиб сайил қилар,
чонқовузни чолиб қойил қилар.
Чонқовузнинг ноласига,
эшитгани мойил қилар...**

Бирин-кетин «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Нурали» достонларидан парча куйланади. Бахши бобо тин олган дамда кечмишидан сўз очамиз.

... Ўзига хос овози билан юракларни мавҳ этган бу инсон — бахшичилик санъатининг улкан намояндаси, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаевдир. У 1944 йил 9 апрелда Бойсун тумани Хўжабулғон маҳалласи Тиллокамар қишлоғида таваллуд топган. Отаси Болта Алиев катта бахши бўлган. Ониси Бибидона Алиева кўпгина эртагу достонларни билган. «Қонида бор» болакайнинг катта бахши бўлиб етишида муҳит ҳам асосий ўрин тутган.

Шоберди 1950 йилда 1-синфга боради. Мактабни тугатгач, ҳарбий хизматга кетади. 1968-1973 йилларда Термиз давлат университетининг ўзбек филологияси факултетида тах-

сил олади. Иш фаолиятини 1965 йилдан 37-мактабда бошлаб, 20 йил давомида шу мактабда рус тили, она тили ва адабиёт фанларидан болаларга сабоқ беради.

Ҳозирда у турмуш ўртоғи Норхол момо Болтаева билан 5 нафар қиз (Санам, Санобар, Салима, Сабоҳат, Сарвиноз), 2 нафар ўғил (Раҳматилло, Рўзиқул) ва 20 дан ортиқ неварачеваралари ардоғида яшамоқда.

Отаси Болта бободан 7 ёшида дўмбира чертиш сирларини ўрганган қахрамонимиз Хушбақ бахши Мардонақул ўғлига шогирд тушади. Устозидан достон ва терма айтиш сирларини ўрганиб, у билан эл орасида юради. Илк бор «Нурхоннинг ютилиши» достони ва «Ойпари» термасини ижро этиб, халқ эътиборига тушади. Йиллар ўтиб, халқнинг суякли бахшисига айланади. Сурхондарё бахшичилик санъатини юқори чўққиларга олиб чиқади.

Бахши бобо 67 баҳорни қарши олган бўлса-да, «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Нурали», «Олтин қобок», «Оллоназар Олчинбек», «Сулувхон», «Санам гавҳари», «Малла савдогар», «Ойпарча» каби ўттиздан ортиқ достонларни соатлаб, ҳатто кунлаб ижро этади. «Дўмбирам», «Меҳмондин», «Тилар», «Нима керак», «Ойпари», «Билмадим», «Сулув кўрсатган» каби қирқдан ортиқ термаларни маромига етказиб куйлайди. Овоз ва куйнинг уйғунлиги кишини ҳайратга солади. Достон ва термаларда муҳаббат, садоқат, эзгулик каби чин инсоний фазилатлар тараннум этилади. Достон қахрамонларининг ибратли ҳаётини халққа намуна қилиб кўрсатади. Ўтган даврнинг ижтимоий ҳаёти ва яшаб ўтган тарихий шахсларни келтирибгина қолмай ҳозирги замон билан ҳамнафас куйлайди. Асарда тўқима образ ва эпизодларни ҳам келтириб ўтади. Бахши нафақат реал, балки фантастикадан ҳам кенг фойдаланади. Қахрамонларнинг сир-синоатга бой ҳаёти достонга ранг-баранглик бағишлайди. Бу эса Шоберди бахшининг сўзга чечанлиги ва илоҳий қобилият соҳиби эканлигини кўрсатади.

Шоберди бахши 1989 йилда Ўрта Осиё бахшилари кўриктанлови ғолиби бўлди.

*...Ойпари қизлар эркасидай,
гала қизларнинг маркасидай,
Чанқавуз чалса жувармаг,
сурув қўйлар саркасидай.
Ойпари келар олдида,
оёғи жерга тиралиб,
Қилиқ чиқариб журганда,
соч жўмалаги ўралиб.
Сулувлигига жорашар,
худойимнинг берган тенаси.
Оқ билагига ярашар,
қўлга қўйган хинаси...*

1993 йилда Президентимизнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган бўлса, 2000 йилда «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони, 2007 йилда «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

Қолаверса, Шоберди бахши кўплаб шогирдлар тайёрлади. Бугун уларнинг кўпчилигини халқ танийди, ҳурмат билан тилга олади. Бахшиқул Тоғаев, Сафар Шайдуллаев, Исмоилхон Анваров, Зулхумор Тоғаева, Розиқул Болтаев ҳамда Аъзам Аллаев шулар жумласидан.

Бу Бахши бобонинг умр йўли...

Бахши бобо дўмбирани кўлга олади. Чала бошлайди. Уй сеҳрли оҳангга чулғанади. Атрофга нигоҳ ташлайман. Жимлик. Ҳа, бу оҳанрабо овоз барчани ром этиб, айна дамда еттинчи осмонда учиб юргандек. Бахши бобо овозини баянд қўяди. «Бойсуним»ни куйлайди. Чарчаш йўқ. Шу ёшда-я. Ҳайратланасиз. Балки Аллоҳ суйган бандасига куч-қувват бериб турар...

...Адирингда кўю кўзи

*марашган,
Кўнғирот деб бек Алпомишни
савашган.
Барчин учун тўқсон Алплар
талашган,
Париларнинг масканисан,
Бойсуним.*

Шоирингнинг шеъри бордир

*мазали,
Кўп куйланарсан,
Усмон Азим газали,
Бойсун элим —
гўзалларнинг гўзали,
Бахшиларга достон бўлган,
Бойсуним!..*

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,
Собир НОРМАМАТОВ**



Жавоҳирлар сандиғи

Ёмғирда от танлама, ҳайитда қиз. Бунинг маъноси шуки, ёмғир ёғиб турганда ҳар қандай қари, тўриқ от ҳам сийна-сағриси товланиб, учқур аргумоқ бўлиб кўриниши мумкин. Бу пайтда отнинг зотини, тулпорнинг ёшини аниқлаб олиш қийин. Ҳайитда қиз танлаш ҳам кишини (айниқса, ёш йигитни) чалғитади.

Ҳайит (байрам) куни қизларнинг ҳаммаси ҳам ясаниб-тусанган, ула-элик суртган, ўсма-сурма қилган, хина кўйган, гўзал либосларга бурканган бўлади. Байрамдан ўзга кунларда барча одам зоти каби қизлар ҳам табиий гўзаллик ила кўринадилар. Мана шу сабаб, алҳол, машойихлар ушбу мақолни қолдириб кетганлар.

Жони жасадиға сиғмаслик. Жон бирламчи бўлса-да тана ичида. Қалб бирламчи бўлса-да, қиёфа қуршовида. Ўзбек «жони жасадиға сиғмайдиган одам» деганда, ғайрат-шижояти баланд, ўқтам, меҳнат қилиб чарчамайдиган, ўзидан, халққа хизматидан қониқмайдиган жавонмард инсонларни кўзда тутлади. Бундай одамлар мустақил давлат миллий истиқлол тақомили йўлида хизмат қилиб, ҳаргиз толмайдилар, ўзларидан қониқмайдилар. Лозим бўлса, бу йўлда жонларини фидо қилишга тайёр турадилар.

Боши охурда. Молхонадаги охурларга ем ташланганда сигир-бузоқ, қўй-қўзи, от-туя ва ҳоказолар бўйинларини чўзиб, ем емоқ билан машғул бўладилар. Бундай пайтда улар ёнига бошқа уй ҳайвонлари ҳайдаб қирилса, эринибгина қараб қўйиб, тагин ёқимли машғулларини давом эттирадилар. Мана шу кўринишни одамлар ҳам ўз ҳаётига қиёс қилиб, ўз иш ўринларидан сидқидилдан хизмат (ижодий, илмий, таҳририй) вазифаларини бажариб турган ходимларга нисбатан бошлиқлар, ҳамманинг «боши охурда-ку», дея ҳазил қиладилар.

Қулоғидан тортиб юрибди. Ўқишни, ишни, топширилган вазифани уддалай олмайдиган кишини унинг ҳомийси, «тоғаси» доим қўллаб-қувватлаб, ёрдамлашиб, етаклаб юради. Бундай ҳолатни халқ, фалончи писмадончининг қулоғидан тортиб юрибди, дейди. Бирор ишни сунистеъмом қилиб, жиноятга бош қўшган, жарликка, ботқоққа тушиб кетган инсонни қайсидир ҳомий, манфаатдор шахс қутқазиб қолса ҳам шу фикр айтилади.

Димоғи куйган. «Димоғи чоғ»нинг тескари ибораси. Аксинча, димоғи куйганлик — кайфияти ёмон, иши юришмаган, бирор шахс, воқеа-ҳодисадан озурда бўлган, жабр чеккан, азобда қолган, қаттиқ ранжиган, панд еган маъноларини беради. Халқ бундай пайтда «камбағалнинг жуда димоғи куйибди-да», дейди.

Тили кичиди. Тўғри, ўз маъносидан тил кичиши мумкин. Бу ҳолатда одам тилини тишлайди. Бироқ бу иборанинг асл мазмуни унинг кўчма маъносидан яширинган. Биров мақтанчоқлик билан ўзига муносиб бўлмаган, қурби чамаси келмайдиган гапларни гапирса ёки ёлғон сафсаталар билан аравани қуриқ олиб қочса, уни тинглаб турган инсофли, диёнатли одам, «жуда тилим кичиди-ю шайтонга ҳай бердим-да» дейди. Бу билан «бўладиган гапни гапирсангизчи ёлғон ҳам эви билан-да» деган танбехи аёнлашади. Тилим кичиди, бирикмаси оилада, ишхонада, куда-андалар, дўст-оғайнилар ўртасида, турмушда жуда фаол қўлланилади.

**Маҳмуд САТТОРнинг
«Ўзбекнинг гапи
қизиқ» китобидан олинди.**

Сариосиё туманида абжир, мард, эпчил полвонлар ҳақида гап кетса, Тошевлар сулоласини биринчилар қаторида тилга олишади. Бу бежиз эмас. Чунки Каримкул ота Тошев узоқ йиллар тўйларда энг номдор полвонлар билан курашга тушган, елкаси ер кўрмаган полвонлардан. Кексайганда ҳам анча вақт тўй олишларида бақовуллик қилган. Каримкул отанинг тўнғич ўғли Абдувоҳид полвонни Марказий Осиёда ҳам танишарди. Узоқ муддат курашга тушиб номдор бўлган Абдувоҳид Тошев самбо кураши бўйича собиқ Иттифок чемпиони ҳам эди.

Дейдиларки, катта карвон қайси йўлдан борса, кичиклари ҳам унга эргашади. Оиладаги спортга, полвонлик мартабасига бўлган ҳавас Абдувоҳид полвоннинг укаларига ҳам юқди. Ҳали Абдувоҳид полвоннинг шуҳрати сўнмай, изидан укалари Абдувоси, Абдулла, Азамат, Алишерлар тўй кураши, вилоят ва республика мусобақаларида қатнашиб, Тошевлар сулоласи анъаналарини давом эттиришди.

ПОЛВОННИНГ беғараз ёрдами

Айниқса, Абдулла Тошев кучга тўлган йигитлик чоғларида не бир доврқли спортчиларни енгди, самбо, дзюдо, миллий кураш мусобақаларида иштирок этиб, 7 марта Ўзбекистон чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия олийгоҳида таҳсил олган Абдулла Тошевга жаҳон чемпиони бўлиш насиб этди. У 2004 йил Тохикистоннинг Турсунзода шаҳрида самбо кураши бўйича фахрий полвонлар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида қатнашиб, шохсупага кўтарилди.

Мавриди келганда шуни таъкидлаш керакки, ака-ука Тошевлар полвонлик шаънини улуглаш билан бирга мудом деҳқончилик, чорвачилик билан умргузаронлик қилиб келишяпти. Бугун Газарак, «Ғалаба», Тортули, Кўлоб қишлоқ, «Меҳнаткаш», Деҳқаландар маҳаллаларига бориб, қишлоқ оқсоқоллари билан суҳбатлашсангиз, ака-ука полвонларнинг отаси Каримкул ота Тошев уддабурон ва тadbиркор деҳқон бўлганлигидан сўз очишади. Уша таниқли деҳқон отанинг фарзандларидан бири Абдулла бировга «мен зўр полвонман» деб кеккайганини ҳеч ким эслолмайди. Тирикчилиги ҳам деҳқончиликдан. 2007 йилгача 20 йил давомида оилавий пудратчи бўлиб меҳнат қилди. Даромадидан тўйлар қилди, уй қурди.

Элнинг орини кўтариб юрган Абдулла полвонга эл оқсоқоллари фермер хўжалиги ташкил этишни маслаҳат беришди. 2007 йили Гулат Хидиров номли ширкат хўжалиги замирида тузилаётган фермер хўжаликларида бирига Абдулла ҳам даъвогар бўлди. Дастлабки йили 20 гектар ер билан иш бошлаган Абдулла Тошев бошлиқ «Саидмўмин-Сухроб-Боймат» фермер хўжалиги ўтган 14 йил мобайнида ҳар томонлама юксалди. Бирон йил йўқки, жамоа ер чизиб қолган бўлса. Мудом пахта, ғалла, пилла тайёрлаш режалари ортиги билан уддаланяпти. Чунки фермер хўжалиги раҳбари ишбилармон, билимдон, тиниб-тинчимас деҳқон. Фермерлик жамоасининг иши бароридан келиб, иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётгани туфайли охириги уч-тўрт йил мобайнида унга 8 та фермер хўжаликлари бириктирилиб, суғориладиган ер майдони 145 гектарга етказилди.

Абдулла полвон фирромликни билмайди, деҳқончилик соҳасига таниш-билишчиликни аралаштирмайди, ҳар бир экиннинг талабидан келиб чиқиб ҳалол ишлайди, вақтида озукасини, ишловини беради. Даласидан қанча ҳосил чиқса, уни яширмайди. Мисол учун, ўтган йилнинг кузида 49 гектар майдонга экилган «Крошка» навли буғдойнинг

ҳар гектаридан жорий йилда 92 центнердан хирмон кўтаришди. Ғалла ҳосилдорлиги бўйича нафақат Сариосиё туманида, балки вилоят бўйича энг юқори кўрсаткичга «Саидмўмин-Сухроб-Боймат» фермер хўжалиги жамоаси эришди. Давлатга сотилган 180 тонна сара доннинг 135 тоннаси уруғликка қабул қилинди. Ишлаб чиқарилган 460 тонна буғдойнинг 280 тоннаси жамоа ихтиёрига қолдирилди.

Зеро Абдулла полвон Тошевни тўй курашларида қатнашиб, фақат элдан олиб юрган киши, деб ҳисоблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Полвонлик ҳам мартаба, ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган шуҳрат. Элнинг тўйидан не бир соврин олган бўлса, аввало ўзининг чапдастлиги туфайлидир. Кечаги номдор полвон, бугунги замон ишбилармони Абдулла полвон Тошев кўли очикликда ҳам тенгсиз.

У фермер хўжалиги касабаси уюшма кўмитаси ҳамкорлигида 2010-2012 йиллар учун имзолаган жамоа шартномасига асосан турли маънавий-маърифий тadbирларга маблағлар ажратишни қанда қилмайди.

Шу йил Тортули, Меҳнаткаш, Кўлоб қишлоқ, Газарак, «Ғалаба» маҳаллаларидаги 100 дан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига 250-300 килограммдан ғалла тарқатди, 13 та оилага қорамол берди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Баркамол авлод» мусобақаларига 20 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Чернобилчилар уюшмаси, Ногиронлар жамияти ва тумандаги «Фарҳод» меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига доимий равишда маблағ ўтказиб келяпти. Тортули қишлоғини газлаштириш учун ҳам 5 миллион сўм ажратиб, 700 метр юқори босимли темир қувур харажатларини тўлади.

Кўли очик одамнинг йўли ҳам очик бўлади, иши ўнгидан келади, деганлари ростлигини Абдулла полвон Тошев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Жорий йилда жамоа аъзолари 86 гектар майдонда ўрта толали гўзанинг «Наманган-77» навини парваришладилар. Чигит экишни барвақт бошлаб, апрелнинг ўрталарида уруғни тўлиқ кўкартириб олишди. Бу уларнинг энг катта ютуғи эди. Экиш билан бирга ҳар гектар ҳисобига 120 килограммдан азотли ўғит берилгани учун гўзалар бўлиб бўлиб ўсди. Сузда тақчиллик сезилмади. Вегетация даврида ҳар гектар пахтазор ҳисобига 500-600 килограммдан маъданли ўғит солиниши суғориш жараёнида 2 марта шарбат суви оқизилгани, ниҳоллар 3 марта суспензия қилингани ва энг асосийси, чеканкани барвақт бошлашгани эвазига далаларда мўл ҳамда эрта-

ки ҳосил етиштирилди. Бунда Ашур Душанбиев, Бозор Ражабов, Райим Мингулов сингари механизаторлар, Тоир Маҳмудов, Эшбобо Ҳасанов, Муродулла Халилов каби тажрибали сувчилар ҳамда Файзулла Халилов, Камол Рўзиевдек ишбилармон иш бошқарувчиларнинг хизмати бекиёсдир.

Сентябр ойининг бошида жамоа аъзолари эрта баҳордан то шу кунгача пахтазорда нечоғлик баракали ишлаганликлари самараси намоян бўлди. Биринчи терим ҳисобига далалардан 355 тонна сифатли «оқ олтин» йиғиштириб олиниб, давлат буюртмаси ортиги билан адо этилди. Ҳар

гектар майдон ҳисобига 42 центнердан хирмон уйилди. Фермернинг даласида бўлган киши жамоанинг режани уддалаганига сира ишонмайди. Чунки ҳар туп гўзда яна 30 тагача кўсак бодрокдек очилиб турарди.

— Биз даладаги бор ҳосилни чамалаб кўриб, яна 150 тонна пахта топшириш, ҳосилдорликни 55 центнердан оширишга қарор қилган ҳолда терим суръатини сира сусайтирмадик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Тошев. — Ҳар куни далаларимизда 150 нафар теримчи меҳнат қилди. Теримчиларга жами 50 млн. сўм тарқатилди.

Айтиш керакки, Абдулла полвон фермер хўжалиги иқтисодини кўтариш, даромадни оширишининг ҳамма чораларини изляяпти.

— Аъзолар фақат ғалла, пахта ўстириш билан чегараланиб қолишгани йўқ. 2008 йилги даромаддан 30 бош қорамол сотиб олишганди. Бугунги кунга келиб улар сони 150 бошдан ошди. Ҳар куни 50 бош қорамол соғилади ва сут-қатиқ аъзоларга, қишлоқдаги боғчаларга тарқатилади. 2009 йилги даромаддан харид қилинган 25 та соғлиқ ҳисобига қўйлар сони 100 тадан ошди. Байрам кунлари Абдулла полвон кўй сўйиб, дошқозонларда ош пишириб аъзоларга, ҳамқишлоқларга улашади, — дейди фермер хўжалиги касабаси уюшма кўмитаси раиси Бозор Ражабов.

Абдулла полвон машҳур ривоятдаги подшодек чоригини сира унутмаган. Ҳар йили Сариосиё туманида, Г.Хидиров номли СИ-Уда «Наврўз, Мустақиллик тантаналари муносабати билан ўтказиладиган байрам курашларида номдор полвонларни қизиқтириш учун ўз номидан туя, қорамол, қўй ёки миллион сўмлаб соврин қўйишни сира қанда қилмайди. Қишлоқ марказидаги касб-хунар коллежи спорт залида 100 нафар ўсмирга ўзи мураббийлик қилиб, миллий кураш, дзюдо, самбо сирларини ўргатади, уларга кийим-кечак олиб беради, иқтидорлиларини вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларга бориб келиш харажатларига маблағ ажратади.

Уч ўғил — Саидмўмин, Боймат ва Сухроблар отасининг полвонлик шуҳратини давом эттириш мақсадида Чирчиқ ва Термиздаги олимпия захиралари коллежида таҳсил олишяпти.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Селекционер

Ўн беш йилдирки, гиждувонлик Раҳмат Болтаевни Бухоро шаҳрида ўтказиб келинаётган «Қовун сайли»да учратаман. Туман павильонида унинг далаларида етиштирилган маҳсулотлар алоҳида ажралиб туради. Ширин-шакар қовунларини татиб кўрган борки, албатта, харид қилади.

Жорий йилда ҳам «Қовун сайли»ни ўтказиш вилоят комиссияси аъзолари Р.Болтаев хизматларини эътироф этиб, унга халқ депутатлари вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғаларини топширишди.



— 25 йилдан буён чўл худудидаги Қутчи массивида қовунчилик билан шуғулланаман, — дейди Раҳмат ака. — Мақсадим вилоятимизда йўқолиб бораётган асл қовун навларини қайта тиклаш ва янгиларини яратишдан иборат.

Мураккаб иқлим ва тупроқ шароитида деҳқончилик қилиш осон эмас. Дастлаб у қовунчилик соҳасини ривожлантиришда элга танилган деҳқонлар Ҳожи ака Абдиев, Искандар бобо Самандаров, Болта бобо Қодировларга шогирд тушиб, уларнинг тажрибасини ўрганди. Сўнг деҳқон хўжалиги ташкил этиб, мустақил фаолият бошлади. Синовдан ўтказиётган навлари сонини йил сайин кўпайтирди. Ҳозиргача 88 навдаги қовун уруғини экиб, яхши натижаларга эришди.

Эндиликда Раҳмат Болтаев номига «селекционер» атамаси қўшиб айтилади. Қовунчи меҳнатга ижодий ёндашиб, 3 та янги нав яратди. Масалан, «темиртирноқ» ва «қора қанд»ни чапиштириш натижасида «мустақиллик», кейинроқ эса «юбилей—15» навлари юзага келди. Навларнинг учинчиси Мустақилликнинг 20 йиллиги шарафига ўтказилган «Қовун сайли»га тортиқ этилди. Сайилга ташриф буюрган вилоят ҳокими С.Хусенов бошчилигидаги мутахассислар ушбу навни татиб кўришгач, «Ох, қандай ширин-а! Бу қовун сизбопу бизбоп экан!» деб юқори баҳо беришди. Шу тариқа янги навнинг номи «сизбоп» бўлиб кетди.

Селекционер янги навлар яратиш билан бирга «қари қиз», «жийда барги», «кампир чопон», «жўжа бурун», «бўриқалла» каби ўндан ортиқ қадимий навларнинг қайта тикланиши учун саъй-ҳаракат кўрсатяпти. Ушбу юмушларда унга шогирдлари Жалил Ўринов, Самад Турсунов ва ўғли Акмал Болтаевлар мададкор.

Раҳмат ака даласида полиз маҳсулотлари уч босқичда, яъни эртапишар, кузги ва қишки ҳосил етиштирилади. Дастлабки уруғ ерга 20-25 апрелда ташланса, кейингиси 10-15 майда, қишки ҳосил эса 10-20 июнда экилади. Табиийки, кузги ва қишки ҳосилни етиштириш бирмунча мураккаб. Бу қовун уруғларини савр оёи (21 апрелдан 21 майгача) сувидан фойдаланиб ивйтиш лозим. Ана шунда ҳосил турли касалликларга чидамли, таъми мазали бўлади. У ўз усулига кўра, қовунни кечаси суғоришга одатланган.

Ушбу навлар ҳосили, Раҳмат аканинг сўзларига қараганда, келгуси йилнинг июн ойигача сақланади.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Иқтидор эгалари

Олтириқ туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида сўнги йилларда ўсиш кўзга ташланмоқда.

— 2009-2011 йиллар мактабимиз спортчилари учун, айниқса, омадли бўлди. Вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда катта муваффақиятларга эришилди, — дейди мактаб директори Иброҳим Узоқов. — Андижон шаҳрида бўлиб ўтган курашда ўқувчимиз Бекзод Ҳасанов (65 кг.) ўз вазн тоифасида тенгсиз деб топилди. Яна бир вақилимиз Мухаммаджон Тўхтасинов эса (83 кг.) иккинчи ўринни қўлга киритиб, чемпионат совриндори бўлди. Шу спорт туридан Хусниддин Болтабоев «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг республика босқичида фахрли иккинчи ўрин соҳибига айланди.

Қаратэ бўйича Достонбек Отаболаев ва Иқбол Узоқов эришаётган ютуқлар барчани қувонтирмақда. 2009 йили Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида Д. Отаболаев шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Жорий йилнинг 2-9 март кунлари худди шу шаҳарда ўтказилган қитъа биринчилигида Иқбол Узоқов (67 кг.) барча рақибларини доғда қолдириб, Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Бугунги кунда Илҳом Фозилов, Аслиддин Фуломов спортнинг эркин кураш тури бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркибидан жой олган бўлса, Сардор Ваҳобжонов, Қудрат Давронов, Фаррух Узоқовлар республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари ҳисобланади. Шу йилнинг феврал ойида Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Илҳом Фозилов кучли рақиблар билан курашиб, маҳоратини янада оширишга муваффақ бўлди.

Спорт мактабида 19 нафар мураббий 11 тур бўйича ёшларга сабоқ бермоқда. Унда 482 нафар ўқувчи машғулотларда иштирок этипти. Уларнинг 152 нафарини кизлар ташкил этади.

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани ҳар бир кишини қувонтиради. Бу эса ўз навбатида, биз мураббийлар зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Бундан буён ҳам ўқувчиларимизнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ютуқ ва муваффақиятларимизни бундан яхшилаш учун бор билим, маҳоратимиз ва имкониятларимизни сарфлайверамиз, — дейди мактаб директори Иброҳимжон Узоқов.

Мухаммаджон МАХМУДОВ

«Moulin Rouge» қаҳвахонасидан Парижнинг сершовқин, шу билан бирга дилга ором бағишловчи оқшомларини кузатиш мароқли. Қаршингизда Эйфел виқор билан кўкка бўй чўзади. Унинг бағрида милтиллаб ёнаётган минглаб чироқлар юлдузларга уланиб кетгандек. Худди минора самога кўйилган нарвону унинг устида ўрмалаб юрган одамлар юлдузлар сари йўл олишган, юлдузлар эса нарвондан ерга тушиб келяпти. Пастда эса минора пойини ювиб Сена сокин оқади.

Баҳромжон Ортиқов сабоқдош дўстлари остоналик барваста Вадим, варшавалик гўзал малласоч қиз Инга билан қаҳвахона ташқарисидаги столлардан бирини эгаллаган. Ўқув йили тугаяпти. Европа Иттифоқининг Erasmus Mundus таълим дастури асосида дунёнинг турли давлатларидан келиб бир йўла Лилль, Прага, Брюссел, Антверпен каби нуфузли университетлар магистрлик дипломларини қўлга киритаётган ёшлар хайрлашув оқшомини шу тарзда ўтказишади.

— Парижда қолсанг-чи, Баҳром, — деди Инга. — Шаҳарнинг гўзаллигини қара. Хохласанг университетда ишла. Қобилиятинг зўр. Сени жон деб қабул қилишади.

поғистоннинг Беруний туманида зиёли оилада таваллуд топган. Дадаси Баҳодир ака дорихонада ишлайди. Унаси Гулистон опа эса стоматолог.

— Синглим Юлдузхон отамиз касбини танлади, — дейди у. — Ҳозир Тошкент фармацевтика институтида таҳсил оляпти. Яна бир синглим Ирода тумани миздаги педагогика коллежи талабаси. 2009 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети-нинг Жаҳон иқтисодиёти

Юлдузлар сари йўл

Баҳромнинг димоғига қаердан-дир қовуннинг хушбўй хиди урилди. Ёқимли бўй ҳамсухбатининг «Shanel» атири ҳидини босиб кетди. «Балки қаҳвахона ичкарасида меҳмонлар учун сўйишгандир», деб ўйлади у. Э, йўқ бу ерда қовунни биз томонларга ўхшаб дастурхон устида сўйишмайди. Ичкарида ошпазларнинг махсус гуруҳи жимжимадор ликопларга санъат асаридек терилган, пўчоғидан ажратилган тиликчаларни тамаддихонага келтириб беради ёки мева-сабзавотли салатга майдамайда бўлакчаларга бўлиб тўғрашади. Бунинг устига мева, полизлар катта-катта, сархил бўлгани билан уларнинг хиди бўлмайди. Таъми эса мевадан кўра кўпроқ газланган сувни эслатади.

— «Қовун егим келяпти», деб ҳазил аралаш жавоб бердим унга, — дейди Баҳромжон Ортиқов ўша суҳбатни эсларкан.

Баҳромжон 1987 йили Қорақал-

ва халқаро иқтисодий муносабатлар факултетини битирдим. Ўша йили Европа Иттифоқининг Erasmus Mundus таълим дастури бўйича магистратуранга Фарбнинг энг йирик университетларида ўқиш бўйича ўтказилган грантни ютиб, «Халқаро савдо ва интеграция жараёни» мавзусида магистрлик иш-ни ёқладим. Европанинг обрўли 9 та университетида бўлиб, жаҳонга машҳур олимлар, жамоат арбоблари билан суҳбатлашдим. Европанинг бир неча илмий журналларида мақолаларим эълон қилинди. Иқтисодий интеграция жуда қизиқ ҳодиса. Айниқса, уни ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида қўллашда маълум илмий концепциялар, аниқ иқтисодий дастурлар, тарихий тажрибага суяниш талаб этилади. Бу жараёнда миллий иқтисодиёт манфаатлари биринчи ўринга кўйилади. Баъзи давлатлар каби ўта очиқ интегратив жараёнлар натижасида миллий иқтисоди-

ётнинг барбод бўлишига йўл қўймайлик, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатлари, ички бозорнинг ҳимоя механизминини яратиш лозим бўлади. Бироқ иқтисодий яққаланиб қолиш ҳам ярамайди. Шунинг учун жаҳон интегратив жараёнларидан четда қолишдан ҳам қочиш керак. Бу худди дорбознинг ўйинига ўхшайди. Мувозанат сақланмаса, кулаб тушиш ҳеч гап эмас. Замоनावий дунёда интеграция нафақат иқтисодиёт, балки ғоялар, маданият, тил, хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча кўринишларида жадал давом этмоқда. Ўзбекистонда бу борада миллий дунёқарашимиз, урф-одат, анъаналаримизни асраб-авайлаш, сақлаб қолиш йўлидан бориб катта натижаларга эришилди. Эндиликда мамлакатимизда ушбу йўналишда етуқ мутахассислар тайёрлаш талаб этилмоқда. Шу мақсадда ҳозирда илмий

ишимни давом эттираялман.

Диплом қўлга теккач, аксарият магистрлар Европанинг турли корхоналари, университет ва жамоат ташкилотларида ишлаш учун қолишди. Баҳромжон эса Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида Тошкентга қайтди. Илмий ишни яқунлашга бел боғлади.

— Чет элда ўқиш ҳозирги кунда шов-шувга сабаб бўладиган ҳодиса эмас, — дейди Баҳромжон. — Кўплаб тенгдошларимиз турли хорижий мамлакатлар олий ўқув юртли дипломларини қўлга киритиб, мамлакатимиз ривожини йўлида меҳнат қилишапти. Холлардимки, ана шу ёш мутахассислар илмий иш билан шуғулланиб, университетларимизда талабаларга устозлик қилишса, билим ва тажрибаларини мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга сарфлашса, янаям фойдали бўларди.

У. ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Орзулар оригамиси




Мўъжизалар фақат эртақларда содир бўлади, деб ўйлаганлар хато қилишади. Инсон қўллари оддий қоғоздан ҳам ҳайратланарли гўзаллик яратиши мумкинлигини саҳифамиз меҳмони Улуғбек Файзий исботлади. Сиз суратда кўриб турган оригамиларни ана шу йигитча ясаганига кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Чунки улар чиндан ҳам ғаройиб ва чиройли.

Улуғбек Тошкент шаҳридаги «Меҳршафқат» тиббиёт коллежининг 2-босқич талабаси. Унинг «Модулли оригами»лари анча машҳур. Ўзининг айтишича, у «Китоблар дунёси» дўконидан қоғоздан ясалган оригами-гулни кўриб қолиб, кимнинг иши эканлиги билан қизиқади. Натижада, ана шу гулнинг эгаси, устози Юреев Андрей Кучинский билан танишиб қолади. Шу-шу Улуғбек кўриб турганингиз-

дек ажойиб оригамиларни ясай бошлайди.

Ҳа, ҳақиқатан инсон қўли гул. 17 ёшли Улуғбекнинг оригамилари кишида ҳайрат уйғотади. Ёшларимиз орасида шундай истеъдодлар борлиги эса фахр бағишлайди. Улуғбекнинг оригамилари орасида оқушлар кўп. Ниятимиз, унинг оқушлари дунё бўйлаб парвоз қилаверсин.

Назира БОЙМУРОВОА.
Муаллиф олган суратлар



«Шўртангаз» унитар шўба корхонаси Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплексининг асосий таянчларидан ҳисобланади. Унинг тасарруфидаги «Феруза», «Дехқонобод», «Хонобод», «Қоратеп», «Шимолӣ Шўртан», «Кумчук», «Фармистон» каби нефт-газ конларидан неча минг тонналаб саноят учун керакли маҳсулотлар олинмоқда.

Эътироф

Уч ярим минга яқин ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимларни бирлаштирган жамоада Абдужалил Қудратов, Баҳриддин Ҳасанов, Фафур Худойбердиев, Олим Шоймуродов, Жонқобил Мейлиев сингари тажрибали ишчилар қаторида ўнлаб қалби олов ёшлар ўз касбини шарафлаб келаётир.

Ёш муҳандис-технолог Озодбек Ўқтамбеков шундай фидойи мутахассислардан.

— Озодбек «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан ёш мутахассислар ва талабалар ўртасида ўтказилган «Энг яхши лойиҳа эгаси» танловида иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин олди, — дейди корхона бош технологи ўринбосари Қодир Исмаилов мамнуният билан.

Энг муҳими, Озодбекнинг лойиҳасида регенерация газларини қуритиш учун илгаригидек диэтиленгалюколь (ДЭГ) эмас, балки цеолитдан фойдаланилади. Бу эса регенерация газларини сифатли қуритиш, катта иқтисодий фойда олиш имконини беради.

Иззат ҲИКМАТОВ

Қишлоқ одамлари



Ҳриқ

бўйидаги ҳовли

Кунбеткай айвонда ўтирган Шеркул бобо билан суҳбатимиз ҳолаҳвол сўрашишдан бошланди. Сўнг бобо одатига кўра салмоқлаб гап бошлади:

— Бу йил баҳор бинойи келди, ер ёмғирга тўйди. Қолаверса, Чимкўр-фонда ҳам сув кўп эмиш. Эски қишлоққа зиёратга бориб келганлар айтишди. Насиб бўлса, ғалла ҳам, пахта ҳам мўл бўлади.

Соритошда турадиган Шавкат ўғлим келганда айтувди, лалми бугдой ҳам мундайроқ одамнинг кўкрагидан келибди. Энди, оғайни, йил яхши келса, нафақат деҳқон ва чорвадор, эл-улуснинг дастурхони обод бўлади-да.

Тўйлар кўпаяди. Кураш, кўпкари бўлади. Ўзи ишлайдиган давр келди-да. Эҳ, аттанг, ёшим ўтиб қолди, бўлмаса кўп ишлар қилардим...

— Хўш, нима қилардингиз? — кулиб суҳбатга аралашди аёли Машрабхон опа.

— Сен тек тур! Бизнинг уруғда эр-каклар сўзлаётганда аёллар жим тургич эди...

— Вой, бу кишидан бир гап сўраб ҳам бўлмайди. Ҳалиям сиз борсиз, уялади, бўлмаса уришиб берармиди...

Шеркул бобо аёлининг сўзидан завқланиб кулди:

— Отамни Бобоёр чапқўл, энамни Ҳайитгул момо дейишарди. Эр-хотин беш фарзанд кўришган. Тўрт ўғил ва бир қиз. Мен — учинчи ўғил. Болалардан мен ва синглим Ўтахол қолдик. Энди, ука, ҳаёт шундай экан-да...

Гапнинг индаллосини айтсам, отам алп инсон бўлган. Унинг иккита чаппа ясалган ўроғи бўларди. Уруш йилларида ғалла ўримида ЧТЗ деган комбайн ўн кунда 16 гектар бугдой ўрган бўлса, отам кўлда 35 гектар ўриб, мукофотга этик билан бир жуфт калиш олган.

Бир куни отамнинг косиб таниши чармдан бежирим тикилган пойабзални «хотинингга олиб бор», деб қўлига тутқазибди. Ўша устанинг дарё бўйида бедапоёяси бўлиб, уч-тўрт киши бир ҳафта ўраркан. Отам ой ёруғида бедани ўриб тугатиб, сўфи азон айтганда уйга қайтибди. Эрталаб бедазорга борган косиб беданинг ўрилганини кўриб, «бу Бобоёр чапқўлдан бошқасининг кўлидан келмайди», дебди.

Отам ҳазилкаш, чапани одам эди. Гап тўғри келса, ҳеч кимни аямасди. Бир куни Норқул акам, Чори укам ва мен учта машина миниб, отамизнинг уйига кўргани бордик. Отам бизларни кўриб:

— Энди, улларим, бир иш қилинлар. Эналарингга ҳам битта мошин топинглар, шунда жуфт бўласизлар, — деса бўладими.

Кўҳна қишлоқдаги боғимиз мисоли жаннат эди. Эҳ, узумларни айтмайсизми, бутун қишлоққа етарди. Ортганини бозорга саватларга жойлаб олиб бориб сотардик. Эҳ афсус,

сув омбори қурилгач, бари сув тагида қолиб кетди. Отам ўша боққа бор меҳрини, кучини, умрини бахшида этган эди-я...

Бироқ отамиздан бизга бебаҳо мерос қолди. Бу ер, она заминга бўлган муҳаббат, ўз кучига ишониб яшаш ва ҳалолликдир.

Энди ўзимдан айтмай. Мактабни тугатиб, шопирликка ўқидим. Юк машинаси, кейин автобус ҳайдадим. Меҳнатим туфайли одамларга танилдим. Нафақага чиқиш арафасида машинамни тўнғич ўғлим Баротга топширдим. Мана, ўн етти йилдан бери нафақадимиз. Оилам каттагина. Тўрт ўғилу тўрт қизим, йигирма олти неварам ва олти чеварам бор.

Хув, теракзоргача бўлган ерлар бизга қарашли. Йигирма туп ёнғоқ, ўн туп ўрик, саккиз туп гилос, яна бодом ва анорларим бор. Ариқни ёқалатиб ўғилларимнинг уйига деб терак ва қайрағоч экиб қўйганман. Помидор, пиёз, картошка, бодринг, сабзи ўзимиздан чиқади. Сунбуланнинг ўртасида яна сабзи билан шолғом экамиз. Ҳовлини айлантириб ошқоқ экдик, ҳосили яхши. Кўтонда сигир-бузоғимиз, қўй-эчкимиз бор. Товуқ-куркамиз ҳам бор. Меҳмон келса, шошиб қолмаймиз.

— Бизнинг хонадонда тўққиз жон яшайди, — дея суҳбатга аралашди Машрабхон опа. — Бобонинг буйруғи билан эрталаб соат бешдан ишга шўнғиймиз. Қизлар пиёз ва сабзини ўтайди. Мен помидорни чопиқ қиламан. Неваралар молларга ўт ўради. Хуллас, ҳамманинг юмуши бор. Ёз кунлари ишимиз соат тўққизгача, яъни кун қизигунча давом этади. Кун салқинлаганда яна шу алфозда давом этамиз.

Шеркул бобо бош ирғаб аёлининг гапини тасдиқлади.

— Ҳарбий хизматда ҳам шопирлик қилганман. Литва деган юрт шундоқ ўрмонзор экан, ўзиям. Ҳарбий қисмга фермадан сут олиб келардим. Шу ерда ишлайдиган Мария деган қиз билан танишиб қолдим. Ўзиям хушрўй эди-да. Бир куни машинада келаётсам, йўл четида ёлғиз турибди.

Тўхтадим. Кабинага кира солиб бўйнимга осилиб олди. Баданим жимирлаб кетди-ёв.

— Айниманг, — дея Машрабхон опа чолининг сўзини бўлди. — Эртага бу киши барисини газетага ёзиб чиқса нима бўлади? Невараларингиз ўқиб, бобом ёмон одам бўлган экан, дейишмайми?

Шеркул бобо аёлининг гапидан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Мен хонадон соҳибидан рухсат олиб ташқарилардим.

Ортимдан кузатиб чиққан ўғли Ғайрат деди:

— Отам ўзи шундай, ҳазилкаш. Кулги билан бўлиб куннинг, вақтининг қандай ўтганини сезмай қоламиз...

Эндигина ишдан келган Мутал домлага аёли: «Тезда онангизнинг ёнига боринг», деди. Домла шошилинич онаси турадиган уйга кирди. Каравотда ётган кампир кўзини очиб, синиққина жилмайди.

Домланинг кўнгли тинчланди.

— Кўрқиб кетдингми, болам? Кўрқма, ҳали ўлмайман, аммо юрагимда битта оғир дард бор, уни сенга айтмасам бўлмайди.

Мутал домла онасининг ёнига жойлашиб ўтирди.

Ўтган кунлар



Карвон олиб кетган қиз

Гулжаҳон момо оҳиста сўз бошлади:

— Болам, сен билмайсан, менинг авлоду аждодим бу ерлик эмас. Аслида Қашқадарёдан бир сабаб туфайли бу ерга келиб қолганман. Туғилган қишлоғимни, адашмасам, Каттасой дейишарди. Бир томони баланд тоғлар, бир томони узун сайҳонлик эди. Элининг полволлари, чавандозлари зўр эди. Отамни Турдикул, энамни Хайри деб чақиришарди. Қаттол уруш бошлангач, отамни фронтга олиб кетишди.

Пешонамиз шўр экан, олти ой ўтиб, «қора хат» келди. Энам хаста эди, бу нохуш хабарни кўтаролмай, тўшакка михланиб қолди. Охири оламдан ўтди. Ҳам ота, ҳам энадан айрилган мен шўрликни тоғам уйига олиб кетди. Тоғам хунарманд уста эди. Дарвоза, от-арава ясарди. Оиласи эса жўжабирдек эди. Туфли исмли ўғли ва яна икки қизи бор эди. Чечам мени хушламайгина қарши олди. Чечамдан гинам йўқ, эрининг тоғани зўрга етиб турганда, яна бир нонхўрнинг қўшилиши дард устига чипқон эди-да...

Кўп ўтмай тоғамни ҳам канал қазишга олиб кетишди. Ночорлик сабаб, Туфли икковимиз пичоқ, теша билан дашдан юмронқозиқнинг инини қовлаб, бир кафт-ярим кафт бугдой топиб келардик. Қишлоқнинг файзи кетганди. Очликдан кунжара еб, шишиб ўлганлар бўлди. Бир куни чечам мени Бўрижарга тезак теришга юборди. Баҳорнинг охирлари эди. Эрталабдан бери туз тотганим йўқ. Амаллаб ярим тўрва тезак тердим. Сўнг у ёғини эслаб олмайман, ҳушимдан кетиб йиқилган эканман. Бир маҳал кимдир оғзимга сув қўйди. Кўзимни очсам, нотаниш одам бошимда турибди. У менга нон узатди. Мулоимгина бугдой нони. Кейин дўппимни тўлдириб майиз-ёнғоқ берди. Атрофда беш-олти туялар ўтлаб юрарди. Қорним тўйгач, ўрнимдан турдим, бошимдан ўтганларни йиғлаб сўзлаб бердим. Шунда карвонбоши менинг бошимни силаб деди:

— Менга қиз бўласанми, мен билан кетасанми?

Бош қимирлатдим. Ўша киши бухоролик бобонг Салим карвон эди. Туялари билан ғалла ташир экан. Бобонг мени туясига миндириб олиб кетди. Ўшанда ўн икки ёшли қизалоқ эдим. Ортимда туғилган қишлоғим, юртим қолаётганига парво ҳам қилмагандим. Буни кейинчалик улғайиб ҳис қилдим. Қариндошларимнинг соғинчи мени азобга солди. Тўғри, Салим карвон мени худди боласидек тарбиялади, турмушга берди. Айниқса, ёлғизлигим тўйим бўлган куни

билинди, ич-ичимдан қаттиқ ўртандим. Отанг билан қирқ йил бирга яшадим. Сен, кейин укаларинг туғилди. Мана, барчанг оилани бўлдинг. Ёшим ҳам саксонга яқинлашиб қолди. Болам, сендан бир ўтинчим, қишлоғимни излаб топ. Бобонг Фузор билан Қамашининг туташган жойида, дер эди. Хешларимни суриштир, ҳеч бўлмаса, тоғаларингнинг фарзандлари ҳаётдир.

Ўша маконнинг мазоридан бир кафт тупроқ келтир, кўзларимга суртай, сўнг уни қабримга сочасан. Йўқса, кўзим очик кетади.

Эртасига Мутал домла ишхонасидан таътил олиб, Қаршига — шогирди Тиловбердининг уйига борди. Унга ташрифи сабабини тушунтирди. Тиловберди машинасида домлани Фузорга олиб бориб, кўпни кўрган кексалар билан учраштирди. Қариялар уларга Қамашига боришни маслаҳат беришди. Бу ерда мол бозоридан қайтаётган Туфли даллолга дуч келишди. Даллол меҳмонларни чойхонага таклиф этди. Уларнинг муддаосини эшитиб, бирдан чехраси ёришди.

— Энангизнинг исмини Гулжаҳон дедингизми?

— Ҳа, — Ие, Гулжаҳон менга жиян бўлади. Демак, меҳмон, сиз унинг ўғлисиз, шундайми?

— Ҳа, мен тўнғич ўғли Муталман. — Мен тоғам бўламан, эшитяпсанми, тоғам!

Улар ўринларидан туриб кучоқлашиб кўришди. Туфли даллолнинг кўзлари ёшланди.

— Биз Гулжаҳонни бўрилар еб кетган деб юрардик. Бўрижарга уни излаб борганимда ярим тўрва тезакдан бошқа нарсани тополмагандим.

— Онамни бобом Салим карвон хушидан кетиб ётганда топиб олиб, ўзи билан бирга олиб кетган экан.

— Ҳаётми? — Ҳа. Сизларни кутиб ётибди, тоби йўқ...

Ўша куни қишлоқда, Туфли даллолнинг хонадонидан тўй бўлди. Мутал домла тоғ этагидаги мўъжазгина қишлоқда кўплаб қариндош-уруғлари борлигини кўриб, хурсанд бўлди. Эртасига Туфли даллол ўғлининг машинасида жияни билан Бухорога жўнади. Улар етиб келишганда Гулжаҳон момо йўлга кўз тикиб ўтирган эди.

Туфли даллол кела солиб Гулжаҳон момони кучоқлаб, ўқиб йиғлаб юборди. Улар тонггача суҳбатлашишди. Бўлиб ўтган воқеаларни ёдга олишди.

Тонгда эса Гулжаҳон момонинг жони узилди. Марҳумани тоғасининг ўғли қабрга қўйди...

Ўролбой ҚОБИЛ



Ушбу портретни фарзанди

«Султонбой Деҳқоновнинг кўргазма экспозициясидан ўрин олган портрет, манзара ҳамда жанрли фотосуратлардан ташкил топган 60 га яқин фотоасарлари қаторидан «Бугун байрам», «Тандирчи», «М+У» каби шу ва бошқа асарлари унинг ўз ижодида софдиллиги, самимийлиги ва лирик кайфиятга эга эканлиги билан бошқалардан ажралиб туради».

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Султонбой

Деҳқоновнинг Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Шу юрт фарзандиман» номли шахсий кўргазмасида фоторассом ижодига ана шундай баҳо берилди.

1985 йилда ТошДУнинг журналистика факултети ни тамомлаган бу ижодкор 2004 йилдан фотография билан шуғулланиб, ўз суратларини вилоят ва республика газеталарида нашр эттира бошлаган. 2008 йилда Тошкент фотосуратлар уйи қошидаги фотосанъат мактабини муваффақиятли тамомлаб, бир йилдан сўнг Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг фоторассомлар шўъбасига аъзо бўлган. С.Деҳқонов билан суҳбатимиз ушбу санъатнинг нозик қирралари ҳақида кечди.

— Баъзилар санъат оламига илк қадамни ёшлиқдан қўйиш керак, деб ҳисоблашади. Сиз эса профессионал фотография оламига 45-50 ёшлар атрофида кириб келгансиз. Кўнглингиздан «кечикмадимкин?» деган савол ўтганми?

— Инсонга гўзалликни, нафосатни ҳис қилиш қобилияти берилган. Бу маъно, завқ топиш воситаси, десам хато бўлмайди. Эзгуликка, гўзалликка интилишларим мени бадий фотография оламига етаклаб келди. Аслида эзгуликнинг эрта-кечи бўлмайди. Санъат ижодкорнинг руҳий дунёсини бойитиб турувчи маънавий озукдир. Бу йўлда садоқат, фидойилик инсонга ҳамроҳ бўлиши керак. Шунда эътиқод нурлари кўнглингизни ёритади.

Менда ҳеч қачон «кечикмадимкин?» деган хавотир бўлмаган. Аксинча, санъатнинг сирли манзиллари ҳаёлимни чулғаб олган. Вақтимни кўпроқ кўргазма залларида намоийш



— Бир гал 150 дан ортик асарларингиз борлиги ҳақида айтгандингиз. Кўргазмангиздан эса атиги 60 га яқин асарингиз ўрин олган. Қолганлари талабга жавоб бермадимми?

— Шахсий кўргазмамга узоқ тайёрландим. 60 та асарни томошабинлар эътиборига ҳавола этиш учун 4500 км. йўлни босиб ўтишимга тўғри келди. Кечкурун шаҳарда бўлсам, тонгни олис Бойсун тоғ этакларида кутиб олган вақтларим бўлди. Ижодкор ҳаётнинг қайнаган жойида қанча кўп бўлса, шунча ранг-баранг асарлар ишлаши мумкин.

Тажрибали фотостуслардан И.Содиқов, М.Михайлов ва бошқалар кўргазмага 90 та ишимни маъқул топишганди. Ажратилган жойга қараб 60 та ишим қўйилди. Асарнинг бадий кучини унинг сони белгиламайди. Масалан, ўтган кузда Тошкент фотосуратлар уйида Таиланд қироличаси Маха Чакри Сириндохорн ўзининг «Ўзбекистон ҳақида дoston» номли кўргазмасига бор-йўғи 22 та фотоасар тақдим этиб, ҳамма ни лол қолдирганди.



— Назаримда, ҳақиқий ижодкор фақатгина мукофотга сазовор бўлиш ниятида асар яратмайди. Аммо ижодига бошқалар томонидан берилган эътибор уни руҳлантиришини яхши биламиз. Энг улуг байрамимиз арафасида сизга ҳам

«Ўзбекистон мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони берилибди. Уша лаҳзаларда кўнглингиздан нималар ўтди?

— Бу хушxabарни Самарқандда ижодий сафардалигимда эшитдим. Меҳнатларим бе-самар кетмаганлигидан хурсанд бўлдим. Уша лаҳзаларда битта фотоасарни яратиш учун саёҳатга чиққаням Бойсун, Хива, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Бахмал каби юртимиз-

«Санъат фалсафа эмас, санъат асосида малака, тажриба ётиши керак». Шу қоидадан келиб чиқиб, қишлоқдан пойтахтга келиб, фотосанъат сирларини ўргандим, тажриба орттирдим. Ихлос билан қилинган меҳнат — бу кўзга кўрина бошлаган Муҳаббатдир, дейди донишмандлардан бири.

Ҳаётдан кўнгли тўлмаслик баъзан мени ҳам кўнглининг минг бир кўчасига бошлайди.



нинг гўзал манзарали жойлари, юрагимда акс этган қахрамонларнинг сийратлари кўз ўнгимда қайта гавдаланди. Улар ҳам мени ғойибона олқишлаб, омад тилашгандек бўлди.

— «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» дейишади. Баъзида ёнгинамиздаги илмни ўрганишга ҳафсала қилмаймиз. Сиз эса Бекободдан Тошкентга келиб 4 ой фотосанъат сирларини ўргангансиз. Вилоятларга бориб суратлар ишлаб келасиз, чоп эттирасиз-у, сира нолимайсиз. Баъзан сизда ҳам кўнгли тўлмаслик ҳолатлари бўладими?

— Машхур санъатшунос Рафал Тоқтош шундай дейди:

«Ҳаёт, мисоли эртақдай ўтаётган умр манзиллари нима ўзи, нега кўнгли дунё ташвишларидан озод бўлишни, ёлғизликни истаб қолади», деган ўйлар жавобидан қоникмайман. Жавоб қидириш асосида кулогим остида кўхна бир хикмат садо бераверади: «Яратганнинг ўзи, инсон кўнглига нозик ҳиссиётларни ато қилди, ўзингдан кўнглинг тўлган лаҳзада Ишқдан, Ҳаётдан жудо бўласан». Кўнгли тўлиш — тўхташ дегани. Шундай экан, бундай ҳолатдан Яратганнинг ўзи асрасин дейман.

Назира БОЙМУРОДОВА суҳбатлашди.
С.ДЕҲҚОНОВ фотосуратлари

Дзюдо

Яқинда Термизда ўтказилган анъанавий Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирида бош мукофотни қўлга киритган полвонимиз Абдулла Тангриев юртдошларимизни яна бир галабаси билан хушнуд қилди.



Россиянинг Тюмень шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз, Пекин — 2008 Олимпия ўйинлари кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриев мутлақ вазн тоифасида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Абдулла Тангриев украиналик Кирилл Белецкийни, франциялик Матье Торелни, япониялик Хироки Тачиямани, ярим финалда Жанубий Корея вакили Ким Сунг Минни мағлубият-

га учратди. Ҳал қилувчи баҳсда эса дзюдо бўйича Европа чемпионати совриндори венгриялик Барна Бор устидан соф галаба қозониб, олтин медални қўлга киритди.

— Хурсандман. Албатта, бу каби муваффақиятни яна такрорлаш ниятим бор, — деди юртдошимиз «Комсомолская правда» газетасига берган интервьюсида.

Эслатиб ўтамай, юртдошимиз ҳозирда Челябинск шаҳрида Россияда хизмат кўрсатган

мураббий Харис Юсупов хотирасига бағишланган, мукофот жамғармаси 30 минг АҚШ долларини ташкил этувчи халқаро турнирда иштирок этишга ҳозирланмоқда. Мусобақада, шунингдек, 2004 йилги Олимпия ўйинлари ғолиби Игор Макаров (Белорус), Буюк Британия чемпиони Кристофер Шеррингтон, Арманистон чемпиони Ақоб Аракелян ҳамда Хитойда ўтказилган I бутун жаҳон ўйинлари ғолиби Виктор Реско (Россия) қатнашади.

Полвоннинг иштаҳаси карнай

Футбол

Биринчи одим — галаба

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2012 йилги Осиё чемпионатида чиқиш учун Эронда ўтказилаётган саралаш мусобақасининг «С» гуруҳи баҳсларини галаба билан бошлади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг асосий мақсади — келаси йили бўладиган Осиё чемпионатида чиқиш ва унда муносиб қатнашиб, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўлланма олишдир. Осиё чемпионатининг саралаш мусобақаларида 36 терма жамоа етти гуруҳда куч синашмоқда. Ўз гуруҳида дастлабки икки погонани эгаллаган жамоалар қўтба чемпионатида йўлланма олади.

Осиё чемпионати саралаш мусобақасининг «С» гуруҳи 19 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Туркменистон терма жамоала-

ридан иборат. Терма жамоамизга устозлик қилаётган тажрибали мутахассис Аҳмадjon Мусаев саралаш мусобақасига миллий чемпионатимизнинг олий, биринчи ва ёшлар лигаларида ўзини кўрсатиб келатган 22 нафар футболчини жалб қилди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Покистон ёшлар терма жамоасига қарши ўтказилган биринчи учрашувда 3:0 ҳисобида зафар кучди. Шу куни фаол тўп




трек»ка эришди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Ҳиндистон ёшлар терма жамоаси туркменистонлик футболчиларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иккинчи тур учрашувини 4 ноябр куни Ҳиндистон вакилларига қарши ўтказди.

суриб, терма жамоамиз галабасига муносиб ҳисса қўшган истеъдодли ярим ҳимоячи Аббосбек Махталиев танаффусгача рақиб дарвозасини уч марта ишғол қилиб, «хет-

Эшкак эшиш



Ғолиблар сафида

Жанубий Кореяда академик эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар бир олтин, уч кумуш ва икки бронза, жами олтинга медални қўлга киритдилар.

Ўсмирларимиз қайд этган кўрсаткичлар мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини кўрсатди. Айниқса, тўртликлар ўртасидаги пойгада Абубакр Узоқбоев, Зафар Усмонов, Абдурасул Муҳаммадиев ва Эрназар Ҳамидуллаев кўрсатган юқори натижа мухлису мутахассисларимизни хушнуд этди. Мазкур тўртлик Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси етакчиси Абубакр Узоқбоев яққалик беллашувларида маррага иккинчи келиб, кумуш медалга ҳам эга бўлди. Эрназар Ҳамидуллаев ва Зафар Усмонов икки кишилик қайиқда ўтказилган баҳсларда муваффақиятли қатнашиб, шохсупанинг иккинчи погонасига кўтарилди.

Осиё чемпионатининг катталар ўртасидаги мусобақаларида тажрибали спортчиларимиздан Руслан Наурузалиев ва Вячеслав Дидрих жуфтликлар баҳсида иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир кумуш медал яққаликлар пойгасида Артём Кудряшовга насиб этди. Хотин-қизлар мусобақасида Наталья Богитовага бронза медали насиб этди.

Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати биринчи лигаси беллашувлари якунланди. Жами 24 жамоа иштирок этган бу йилги мусобақада дастлабки икки погонани эгаллаган Тошкентнинг «Локомотив» ва Гулистоннинг «Гулистон» жамоалари олий лига йўлланмасини қўлга киритди.

«Локомотив» ва «Гулистон»нинг қайтиши

Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси қарори-га биноан, биринчи лига баҳслари ўтган йилдан эътиборан икки минтақада ўтказилмоқда. Бу йилги биринчиликда ҳам «Шарқ» минтақаси Фарғона водийси, Тошкент вилояти ва пойтахт жамоаларидан таркиб топди. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари «Фарб» минтақасида ўзаро куч синашди.

Ўтган йили олий лигадан тушиб кетган «Локомотив» жамоасининг яна мамлакатимизнинг энг кучли клублари қаторига қайтиши учун бир мавсум кифоя қилди. Пойтахтликлар чемпионатнинг сўнгги учрашувини «Хива» майдонида ўтказиб, рақиб жамоа дарвозасига жавобсиз саккизта тўп киритди ва чемпи-

онатни 79 очко билан якунлади.

Жорий чемпионат Сирдарёда ҳам футбол жадал ривожланаётганини кўрсатди. Вилоят шарафини ҳимоя қилган «Гулистон» ва «Янгиер» жамоалари олий лига йўлланмалари учун курашди. Натижада гулистонликлар узоқ йиллик танаффусдан сўнг яна кучлилар қаторида тўп сурадиган бўлди. «Гулистон» сўнгги учрашувини Нукусда «Жайхун»га қарши ўтказди ва 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, жами 65 очко тўплади.

Учинчи ўринни эгаллаган жамоа охири турда аниқ бўлди. Рақобатчиларига нисбатан устунликка эга бўлган «Янгиер» футболчилари бу имкониятдан унумли фойдаланди. Янгиерликлар Самарқандда «Регистон» жамоаси меҳмони бўлиб, 5:1 ҳисобида зафар кучди ва жами 61 очко билан кучли учликдан жой олди.

Гимнастрада



Мезбонлар муваффақияти

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда мусобақанинг туман ва шаҳар босқичларида муваффақият қозongan жамоалар иштирок этди.

Қизғин баҳслар якунига

кўра, олий ўрин Самарқанд шаҳри гимнастикачиларига берилди. Пахтачи тумани қизлари биринчи, Қўшрабат ва иштихонликлар кейинги ўринларни эгаллади.

Мусобақа ғолиблари ва иштирокчилар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Самарқанд шаҳрида хотин-қизлар ўртасида гимнастрада мусобақалари ўтказилди.

Бадий гимнастика

«Олтин япроқ»дан олти медал билан

Москва шаҳрида бадий гимнастика бўйича «Олтин япроқ» халқаро турнири якунига етди. Унда дунёнинг 14 мамлакатидан ташриф буюрган ёш спортчи қизлар иштирок этишди.

Юртимиз шарафини эса Самарқанд вилояти вакиллари ҳимоя этишди.



Ўзбекистон чемпиони, бир неча халқаро мусобақа ғолибаси Мафтуна

Шамсиева финал баҳсларидан сўнг икки олтин ва кумуш медални жамоамиз газнасига қўшиб қўйди.

7-8 ёш доирасида 38

нафар гимнастикачи қатнашган беллашувларда муваффақиятли иштирок этган вакиламиз Тахмина Икромова биринчи ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритди. Кўпкураш баҳсларида эса 1999 йилда таваллуд топган яна бир истеъдодли спортчимиз Шаҳзода Фуломова икки бронза медалига эгалик қилди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Халқаро касаба уюшмалари фаолиятидан

Австралия

Парвозлар тўхтатилди



Австралияда «Qantas Airways» авиакомпанияси ва касаба уюшмалари ўртасида юзага келган зиддият ҳал қилинишида ҳукумат ўз вакиллариининг иштирок этишини маълум қилди. Ушбу келишмовчилик туфайли мамлакатдаги энг йирик авиакомпания номаълум муддатга парвозларни бекор қилишга мажбур бўлган эди.

«Qantas», мана бир неча ойдирки, Австралия Транспортчилар касаба уюшмасининг компанияда меҳнат шароитини яхшилаш борасидаги қатор талаблари юзасидан келишувга эриша олмаяпти. Қуни кеча авиакомпания яқин бир ой ичида белгиланган 70 та парвознинг бекор қилинишини хабар қилган эди. Аммо касаба уюшмалари билан ўтказилган музокараларда бирор натижага эришилмагач, компания раҳбарияти парвозлар бутунлай тўхтатилишини маълум қилди.

«Биз «Qantas» компанияси, унинг хизматчилари ва йўловчиларининг аҳволидан ташвишдамиз», — дейди Австралия транспорт вазири Энтони Албанис. Унинг сўзларига қараганда, мамлакат ҳукумати юзага келган иқтисодий ноқулай вазиятни ҳисобга олиб, тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга қарор қилган.



Россия

Хабарларга қараганда, Россияда бу йил жамоатчилик томонидан энг кўп муҳокама қилинаётган ёлланма меҳнат тўғрисидаги қонун иккинчи ўқилишдан сўнг кескин ўзгаради. Россия ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар уюшмаси (РСПП) ва молия вазирлиги ҳужжатга ўз тахрирларини киритар экан, қонун лойиҳаси муаллифлари ва мамлакат касаба уюшмаларининг Россияда ёлланма меҳнатни бутунлай тақиқлаш тўғрисидаги талабига қарамасдан, бир овоздан ишчиларни учинчи томонга ижарага беришни қонунийлаштиришни таклиф қилишмоқда.

Янги қонун лойиҳаси

Хабарларга қараганда, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Давлат Думаси кўмитаси ва ишчи гуруҳи ҳужжатнинг тасдиқлини сайловлардан кейинга қолдирилиши мумкинлиги ҳақида ўз тахминларини билдиришган. Қонун лойиҳасининг ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича уч томонлама комиссиянинг икки томони — ишлаб чиқарувчи-

лар ва тадбиркорлар уюшмаси (РСПП) ва молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилиб, Давлат Думасига юборилган шаклидаги ўзгаришлар қисман маълум бўлган. Маълум бўлишича, томонларнинг тузатишлари ҳам гоёвий, ҳам тафсилоти жиҳатидан бир-бирига ўхшашдир. Улар аккредитация олган хусусий бандлик агентликларига кадрларни учинчи томонга ишга юбо-

риш ҳуқуқига эга бўлиш учун ўзларига иш берувчи мақомини олиб, кадрлар билан меҳнат шартномаси тузишни таклиф қилишмоқда. Шунингдек, лойиҳанинг тузатилган шаклида бандлик агентликларига кадрларни фақат турли идораларга эмас, «ишлаб чиқариш майдонларига» ҳам ишга юборишни ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

Франция

Борт кузатувчиларининг норозилиги туфайли иш жараёни тўхтаб қолган Франциянинг «Air France» миллий авиакомпанияси ҳафтанинг чоршанба кунидан бошлаб парвозларнинг 92 фоизга тикланишини маълум қилди.

Муаммо ҳал этилади

29 октябр куни авиакомпанияда ходимларнинг норозилиги туфайли иш тўхтаб қолган эди. Маълум бўлишича, «Air France» раҳбариятининг баъзи йўналишларда иш ўринларини қисқартириш тўғрисидаги режаси бунга сабаб бўлган.

Хабарларга қараганда, компания сешанба куни режалаштирилган парвозларни 91 фоизга бажаришга муваффақ бўлган. Баъзи ҳолларда эса 15 дақиқалик кечикишлар кузатилмоқда. Ҳафтанинг пайшанба куни муаммонинг тўлиқ ҳал этилиши кутилмоқда.

Норвегия

Норвегия касаба уюшмалари қиролликнинг шимолий вилоятларида иш ўринларининг қисқариб бораётганидан ташвишда.

Ўринли ташвиш

Асосий даромади балиқчилик, минераллар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, гидроэнергетика бўлган бу ҳудудлардаги компанияларнинг иқтисодий аҳволи кўнгилдагидек эмас.

Оқибатда иш берувчилар соҳаларда турли модернизациялаштириш чораларини кўришга мажбур бўлишмоқда ва бу ўзгаришлар кўп ҳолларда иш ўринларининг қисқаришига олиб келмоқда. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳўжаликни ривожлантириш каби зарурий, аммо бир-бирига зид масалалар ҳам вазиятга ўз «ҳиссасини» кўшмоқда.

Муаммога ечим топишга уринар экан, касаба уюшма фаоллари мамлакатдаги меҳнат эмигрантлари масаласини ҳам унутишга йўқ. «Бизда ижтимоий арзонлашув (демпинг) юзага келган баъзи соҳалар мавжуд, — дейди Норвегия касаба уюшмалари бирлашмасининг шимолий ҳудудлар бўйича кўмитаси раиси Грете Фоссли. — Иш берувчилар хорижлик ишчиларга арзон иш ҳақи тўлашмоқда ва етарли иш шароити яратиш масаласини ортга сурмоқда. Биз бу масалани ҳам ўрганаёلمиз».

Ўтган ҳафта «Форд» автоконцерни касаба уюшмаси вакиллари ҳамда раҳбарияти ўртасида навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Вакиллар учрашувда компанияда мавжуд асосий камчиликлар юзасидан раҳбариятга ўз фикрларини билдириб, аввалги 5 фоизлик қарз меҳнати нормасига қайтишни ва шартнома бўйича меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг асосий қисмини доимий штатга ўтказишни талаб қилишди.

АҚШ



«Форд» ишчилари норози

Шунингдек, вакиллар меҳнат ва ҳодик чиқариш шароитини яхшилаш борасидаги жамоанинг талаблари иш берувчи томонидан эътиборсиз қолдирилатганидан касаба уюшмасининг норози эканлигини билдиришди. Жамоанинг меҳнат ва ҳордик чиқариш шарт-шароитини яхшилаш тўғрисидаги барча талаблари компания раҳбарияти томонидан рад этилган, жамоа ва раҳбарият ўртасида тортишувли вазият юзага келди.

Компания касаба уюшма кўмитаси вакилининг сўзларига қараганда, меҳнат жамоасининг фикрини эътиборсиз қолдираётгани учун юзага келган вазиятда раҳбарият айбдордир. Маълум бўлишича, йил бошида завод раҳбарияти томонидан ишчилар учун янги иш графиги тузилган. Феврал-сентябр ойлари давомида эса завод жамоаси вакиллари ва раҳбарият ўртасида янги график юзасидан музокаралар олиб борилган. Касаба уюшма кўмитаси муқобил иш графигини тузиб, меҳнат жамоаси уни тасдиқлагач, бу график иш берувчига тақдим этилган. Аммо раҳбарият уни рад этиб, завод ишчиларида норозилик кайфияти уйғотган.

Интернет хабарлари асосида Жаҳонгир ЮНУСОВ тайёрлади.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОН»га қўнғирок қилинг. Адлия идораларининг, хусусан вазирликнинг янги ташкил этилган Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.....	008
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги.....	(361) 008, 223-71-93
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси.....	(371) 008, 262-92-42
Андижон вилояти Адлия бошқармаси.....	(374) 008, 222-30-89
Бухоро вилояти Адлия бошқармаси.....	(365) 008, 223-21-20
Жиззах вилояти Адлия бошқармаси.....	(372) 008, 771-64-71
Қашқадарё вилояти Адлия бошқармаси.....	(375) 008, 223-01-64
Навоий вилояти Адлия бошқармаси.....	(436) 008, 223-01-38
Наманган вилояти Адлия бошқармаси.....	(369) 008, 226-51-93
Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси.....	(366) 008, 233-04-62
Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси.....	(376) 008, 223-26-84
Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси.....	(367) 008, 225-09-69
Тошкент вилояти Адлия бошқармаси.....	(371) 008, 280-50-96
Фарғона вилояти Адлия бошқармаси.....	(373) 008, 224-15-49
Хоразм вилояти Адлия бошқармаси.....	(362) 008, 226-65-50
E-mail.....	info@minjust.gov.uz

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Чирокчи туман бирлашган касаба уюшма кўмитасининг раиси Абдурайим Ҳайдавдаловга волидаи муҳтарамаси

КЎЙСИН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ноила Умаровага қайнонаси

ХУРИНИСО аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси АСМ ходимлари касаба уюшмаси Тахтақўпир туман кенгаши раиси Раҳатдин Аманязовга падари бузруквори

Калхораз АМАНИЯЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент Банк коллежи жамоаси ҳамда касаба уюшма кўмитаси «Бухгалтерия ҳисоби» бўлими бошлиғи Келдиёр Хуррамовга акаси

Толиб хожи ХУРРАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Банк коллежи жамоаси «Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси ўқитувчиси Ойбек Соҳибовга онаси

Аширой НУРАЛИЕВАНING

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Куз хаёлари

Дарахтлар кўшиғи

Кузда дарахтлар шамолнинг
чилдирмасида кўшик кўйлайди.
Юрак хазонлар билан кўшиқ
тўкилади. Сарғайган барглари
тўкилаётми ёнглаб кўйлайди, секин
инграб кўйлайди...
Агар бу кўшиқни юрак билан
тингласангиз, дарахтга айланасиз.
Дарахтлар кўшиқларини осмонга,
Яратганга кўзиб илтижо қилади.
Уларнинг физионода ишк бор,
кўзларида кўр телбалик бор. Оқув
булутлар дарахтлар кўшиғини сел
бўлиб тинглайди, гоҳида жунжунвор
ках-ках ила оқинилайди...
Осмоннинг кўнгли дарахтлар бошида
айланади. Хушини йўқотган дунё
уларнинг оёғи остига ичкилади...



Шамоллар оёғи куйган девонадай тўрт
томонга югуриб мастона чилдирма чала-
ди. Кузнинг майидан ичиб телба бўлган
борлиқ дарахтлар кўшиғига жўр бўлади,
аммо овози авж пардага етмайди. Фақат
дарахтларгина бўғриқиб юракдан кўйлай
олади. Кўёш сўнгги нурларини ҳофиз да-
рахтлар бошига сочалоқ қилмоқчи бўла-
ди, аммо мағрур булутлар унинг сочалоқ
нурларини нописандлик билан қаергадир
улоқтириб юборади.

Дарахтлар кўйлаётганда бир вақтнинг
ўзида икки дунёни ўзига мужассам этган
ошиқларга ўхшаб кетади. Олам деразаси-

дан уларга боқиб турган илохий кўз мас-
рур жилмаяди. Бу табассум сурати ерни
кучоқлаб ётган ҳар бир хазонда зоҳир
бўлади, дарахтлар бир зумгина тин олиб,
яна кўйлай бошлайди, Айниқса, осмон
қора пардасини юзига солганда, пардани
ёриб чиққан ой маҳзун хаёлга толганда,
уларнинг кўшиғини тиниқ тинглаш мумкин.
Бу кўшиқни тинлаган ойнинг маҳзун ха-
ёллари сочилгандай, баҳри дили очилган-
дай бўлади... Дарахтлар яна бу дунёдан
йўл излаб тополмаган йўловчига, олис уф-
қларнинг бағрига бир зум бошини кўйиб,
дардидан фориг бўлмоқчи бўлган бемор-

га, жон бергиси келмаётган инсонга
ўхшайди кўйлаётганда...

Фақат бу кўшиқни тингламоқ учун да-
рахтлардек хокисор ва мискин бўлмоқ
керак...

Дарахтлар кузда шамолнинг чилдир-
масида, булутларнинг маъюс нигоҳида
кўйлайдилар. Улар икки дунё ишқини, гу-
ноҳини, савобини елкаларида кўтариб
кўйлайдилар.

Агар қалбингизни покламоқчи бўлсан-
гиз, уларни тингланг, уларга жўр
бўлинг...

Халима ЖУМАНИЁЗОВА



Д. ЕКУБОВ (УЎ) ёлган суратлар

Газетанинг навбатдаги сони 8 ноябр, сешанба куни чиқади.



oliy baxt

MUASSIS:
O'zbekiston Kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bizga qo'ng'iroq qiling:

Kotibiyat: 256-52-78
Xatlar bo'limi: 256-85-43

Viloyat muxbirlari:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 679 32 79;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78;
Qoraqalpog'iston Respublikasi
va Xorazm + 99862 562 56 75;

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
IBM kompyuterida teriladi va sahifalandi.
Ofset usulida bosildi. Bichimi A-3.
Hajmi 4 bosma taboq.

Manziligimiz:

100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy.
Nashr ko'rsatkichi: 133; 134

Gazeta haftaning seshanba,
paysshanba va shanba
kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda
«Ishonch»dan olinganligi
ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar h belgisi
ostida chop etiladi.

E-mail: ishonch
2011@gmail.com



«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonaning manzili: «Buyuk
Turon» ko'chasi, 41-uy

Navbatchi muharrir:

J. Sharofboyev

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Sahifalovchi-

dizayner:

H. Abduljalilov

Bosishga topshirish

vaqti - 21.00

Topshirildi - 19.30

Buyurtma F-1111

Tiraj: 12968

ISSN 2010-5002

1 3 4 5